Илмий-амалий ойлик журнал / Научно-практический журнал

БПК

2/2019

БОЗОР, ПУЛ ВА КРЕДИТ // РЫНОК, ДЕНЬГИ И КРЕДИТ

УЛУЧШЕНИЕ ИНВЕСТИЦИОННОГО КЛИМАТА – НЕОБХОДИМОЕ УСЛОВИЕ УВЕЛИЧЕНИЯ ПРИТОКА ИНОСТРАННЫХ ИНВЕСТИЦИЙ

«ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ» МАРКАЗИ ФАОЛИЯТИ НАТИЖАЛАРИ ВА ЖОРИЙ ЙИЛДАГИ ВАЗИФАЛАР

ИНВЕСТИЦИОН ЖОЗИБАДОРЛИК – ЖАДАЛ ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

«FITCH RATINGS В УЗБЕКИСТАНЕ – 2019»: МАКРОЭКОНОМИЧЕСКИЕ ФАКТОРЫ, БАНКОВСКИЙ КАПИТАЛ

ISSN 2010-6580

TURON BANK

Баркарорлик белгиси!

Акция 0 карта очиш сўм

«Туронбанк» АТБда **Visa Electron** (конверсион карталари) ва **Mastercard** халқаро валюта карталарини очиш мутлақо бепул

Акция 2019 йилнинг 1 майига қадар амал қилади

95 144 60 00 | www.turonbank.uz

Хизматлар лицензияланган

Alisher Navoiy
nomidagi
O'zbekiston MK

XALQ BANKI

МАБЛАҒЛАРНИ «МОБИЛЬ-БАНКИНГ» ЁКИ «ИНТЕРНЕТ-БАНКИНГ» ХИЗМАТИ ОРҚАЛИ ЎТКАЗИШ ЖАРАЁНИ



МИЖОЗЛАР ҲИСОБРАҚАМИДАГИ МАБЛАҒЛАРНИ ЎТКАЗИШ ЖАРАЁНИ

ХАЛҚ БАНКИ МИЖОЗЛАРИ УЧУН ТЎЛОВЛАРНИ ЎТКАЗИШ ИШ РЕЖИМИ

ХАЛҚ БАНКИ ФИЛИАЛИДАН ҲИСОБРАҚАМ ОЧГАН ЯНГИ МИЖОЗЛАРГА ҚЎШИМЧА ИМТИЁЗЛАР ЯРАТИЛДИ

XALQ BANKI

хизмат турларидан фойдаланинг!

Хизматлар лицензияланган

71-200-00-55

www.xb.uz

info@xb.uz

ANALYTICS

REFORMS

4 ***E. Tulyakov***
The results of "Development strategy" center activity and tasks for the current year

BANKING ACTIVITIES

8 ***S. Bo'stonov, S. Ochilov***
The expanding of retail services creates additional conveniences for population

12 ***U. Valiev***
The council becomes a support for youth

15 ***J. Ergashev***
The application of bank loans in the modern conditions

19 ***Z. Ernazarova***
The investment attractiveness is a main factor for the fast development

ECONOMY

INVESTMENT

22 ***S. Voronin***
The improvement of investment climate – necessary condition for increasing the inflow of foreign investment in the economy of Uzbekistan

29 ***I. Vafoev***
The active investments and perspectives of social economic development of Uzbekistan

35 ***F. Niyazov***
"Fitch Ratings in Uzbekistan – 2019": macroeconomic factors, banking capital

PERSPECTIVES

39 ***G. Fedyasheva***
Construction of the digital economy: directions, features, prospects

PRACTICE

CREDITING

49 ***M. Nazarova***
The application of foreign experience in increasing the role of credit bureau

TAXES

54 ***Z. Makkamov***
The import duties are reduced. Now, the reform of VAT is expected

59 ***A. Musagaliev***
The comparative analysis of foreign experience of taxation mechanisms for formation budget revenues

EVENTS

WORLD NEWS

70 International economy in brief

МУАССИС ВА ҲАМКОРЛАРИМИЗ:
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Агробанк, Асакабанк, Алокабанк, Капиталбанк, Микрокредитбанк, Савдогарбанк, ТИФ Миллий банки, Туронбанк, Трастбанк, Халқ банки, Ўзсаноатқурилишбанк, Қишлоқ қурилиш банк, Ипотекабанк, Ипак йўли банки

ТАҲРИР КЕНГАШИ:
М.Б. НУРМУРАТОВ (кенгаш раиси)
Т.А. ИШМЕТОВ (кенгаш раиси ўринбосари)
И.И. НОРҚУЛОВ
Р.О. ОХУНОВ (бош муҳаррир)
А.Н. АБДУЛЛАЕВ
А.Б. ВОИТОВ
К.Н. ИРИСБЕКОВА
А.Қ. МИРСОАТОВ
Ч.С. МИРЗАЕВ
Б.М. МУЛЛАҲОНОВ
О.М. МУСАЕВ
С.Р. НОРМУХАМЕДОВ

Бош муҳаррир ўринбосари:
Р.Ш. Хусаинов

Масъул котиб:
Ф.Т. Иззатуллаев

Адабий муҳаррирлар:
В.С. Умиров,
Н.Г. Рогозинникова

Директор:
Г.Н. Безгин

Реклама ва обуна хизмати раҳбари:
Ғ.Н. Ҳандамов
Тел.: (+998)71-291-60-20,
(+998)97-752-44-77

Таҳририят манзили:
«БОЗОР, ПУЛ ВА КРЕДИТ» МЧЖ,
Тошкент ш., Толлимаржон кўч., 1/1-уй.
http://www.bpk.uz/
e-mail: info@bpk.uz

Материаллар кўчириб босилаётганда журналдан олингани кўрсатилиши шарт. Юборилган қўлёзмаларни тақриз қилиш ва қайтариб юборишни таҳририят ўз зиммасига олмайди.

Журналнинг обуна индекси: 853
ISSN 2010-6580
Журнал ЎзР Матбуот ва ахборот агентлигида 2014 йил 2 июлда рўйхатдан ўтган.
Гувоҳнома рақами: 0058
Теришга берилди: 15.02.2019 й.
Босишга рухсат этилди: 27.02.2019 й.
Бичими: 60x90/8.
Офсет босма усулида чоп этилди.
Шартли босма табоғи: 9.0.
Буюртма №33. Адади: 2350.
«Lux Print» МЧЖда чоп этилди
(Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Толлимаржон кўчаси, 1/1-уй).
Баҳоси шартнома асосида.

МУАЛЛИФЛАР ДИҚҚАТИГА!
«Бозор, пул ва кредит» журналида мақолангизни чоп этмоқчи бўлсангиз, уни фақаттина электрон кўринишда қуйидаги манзилга юборинг:
info@bpk.uz
Таҳририят томонидан қабул қилинадиган мақолаларга талаблар билан журналимизнинг www.bpk.uz сайти орқали танишишингиз мумкин.
Эслатма: муаллифлар кўрсатилган электрон манзилга мақола юборишда исми, фамилияси, лавозими, илмий даражаси, иш жойи ва боғланиш телефонларини аниқ кўрсатишлари ва мақоланинг инглиз тилидаги аннотациясини юборишлари шарт.

БПК 2/2019
Февраль (261)
Бозор, пул ва кредит
Илмий-амалий ойлик журнал
1996 йил сентябрдан нашр этилмоқда

БУ СОНДА
В НОМЕРЕ

ТАҲЛИЛ / АНАЛИТИКА

ИСЛОҲОТЛАР

4 *Э. Туляков*
«Тараққиёт стратегияси» маркази фаолияти натижалари ва жорий йилдаги вазифалар

БАНК ФАОЛИЯТИ / БАНКОВСКАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ

8 *С. Бўстонов, С. Очилов*
Чакана хизматлар кўламини кенгайтириш аҳолига қўшимча қулайликлар яратмоқда

12 *У. Валиев*
Ёшларнинг таянчига айланган кенгаш

15 *Ж. Ергешев*
Использование банковских кредитов в современных условиях

19 *З. Эрназарова*
Инвестицион жозибадорлик – жадал тараққиётнинг муҳим омили

ИҚТИСОДИЁТ / ЭКОНОМИКА

ИНВЕСТИЦИЯЛАР / ИНВЕСТИЦИИ

22 *С. Воронин*
Улучшение инвестиционного климата – необходимое условие увеличения притока иностранных инвестиций в экономику Узбекистана

29 *И. Вафоев*
Фаол инвестициялар ва Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш истиқболлари

35 *Ф. Ниязов*
«Fitch Ratings в Узбекистане – 2019»: макроэкономические факторы, банковский капитал

ПЕРСПЕКТИВЫ

39 *Г. Федяшева*
Построение цифровой экономики: направления, особенности, перспективы

АМАЛИЁТ / ПРАКТИКА

КРЕДИТЛАШ

49 *М. Назарова*
Кредит ахборот бюролари ва уларнинг ролини оширишда хориж тажрибасидан фойдаланиш

СОЛИҚЛАР

54 *З. Маккамов*
Импорт товарлари учун бож ставкалари пасайтирилди. Навбатда қўшилган қиймат солиғи бўйича ислоҳотлар кутилмоқда

59 *А. Мусагалиев*
Бюджет даромадларини шакллантиришда солиққа тортиш механизмларининг хорижий мамлакатлар тажрибаси қиёсий таҳлили

ВОҚЕАЛАР / СОБЫТИЯ

ЖАҲОН ЯНГИЛИКЛАРИ

70 Халқаро иқтисодиёт – қисқа сатрларда

«ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ» МАРКАЗИ ФАОЛИЯТИ НАТИЖАЛАРИ ВА ЖОРИЙ ЙИЛДАГИ ВАЗИФАЛАР

Элдор Туляков,
«Тараққиёт стратегияси» маркази ижрочи директори

Хабарингиз бор, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 февралдаги «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармойиши асосида юртимизда «Тараққиёт стратегияси» маркази фаолият юритиб келмоқда.

> Бугунги кунда Марказ томонидан Давлат дастурлари ижроси учун масъул бўлган 170га яқин вазирлик ва идоралар билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган.

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон адвокатлар палатаси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси каби ташкилотлар Марказнинг муассислари ҳисобланади.

Фармойишга кўра, «Тараққиёт стратегияси» марказининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари Ҳаракатлар стратегиясида назарда тутилган чора-тадбирларни ахборот-таҳлилий жиҳатдан таъминлаш, Давлат дастурлари доирасида амалга ошириладиган тадбирларнинг экспертлар ҳамда жамоатчилик ўртасида кенг муҳокама этилишини ташкил қилиш, қонун, қонуности ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш юзасидан аниқ чора-тадбирлар бўйича асослантирилган таклифлар ишлаб чиқиш, халқаро ва хорижий ташкилотлар, илмий-тадқиқот, ахборот-таҳлилий ҳамда таълим муассасалари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳамда илғор халқаро стандартларни ўрганиш ва юртимизда жорий этишда кўмаклашиш, йиллик дастурлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳамда жамоатчилик муҳокамаларини ташкил этиш орқали аҳолининг фикр ва таклифларини тўплаш ҳамда ўрганиш ҳисобланади.

Бундан ташқари, Марказ ўз фаолияти давомида Ҳаракатлар стратегияси амалга ошириб борилишининг тизимли жамоатчилик мониторингини ўтказиш, унинг сифатли ва ўз вақтида бажарилиши учун қўшимча чора-тадбирлар юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш ҳамда эришилган натижалар ва мавжуд муаммолар тўғрисида аҳолини, тадбиркорлик субъектларини, фуқаролик жамияти институтларини ва халқаро жамоатчиликни кенг хабардор қилиб бориши белгилаб қўйилган.

Юқоридаги мақсад ва вазифаларга эришиш йўлида бугунги кунда Марказ томонидан Давлат дастурлари ижроси учун масъул бўлган 170га яқин вазирлик ва идоралар билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган бўлиб, улар орқа-

Иқтисодий ислоҳотларни янги босқичга кўтариш учун 2019 йилда амалга ошириладиган устувор вазифалар:

- Инвестициялар учун ишончли замин бўладиган **макроиқтисодий барқарорлик ва юқори иқтисодий ўсиш** суръатларини сақлаб қолиш.
- **Фаол инвестиция сиёсати**ни изчил давом эттириш.
- **Банк ва молия тизимида ислоҳотлар**ни жадал давом эттириш, соҳага замонавий бозор механизмларини кенг жорий этиш.
- Фуқароларнинг солиқдан қочиш эмас, уни **вақтида тўлашдан манфаатдор бўлишини** таъминлаш.
- **Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш** бўйича ишларни жадал давом эттириш.
- Иқтисодиётни бошқаришда **давлат аралашувини кескин камайтириш.**
- **Иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш** орқали **соғлом рақобат муҳитини** яратиш.
- Миллий иқтисодиётни **жаҳон бозорига интеграция** қилиш ва экспортни қўллаб-қувватлаш.
- **Ҳудудларни комплекс ривожлантириш** тадбирларини изчил давом эттириш.
- **Қишлоқ хўжалиги соҳасини бошқариш тизимини ислоҳ қилиш,** ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш борасидаги илғор технологияларни жорий этиш, **озиқ-овқат хавфсизлиги**ни таъминлаш.

Манба: *Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномасидан.*

ли белгиланган чора-тадбирлар ижроси ҳолати юзасидан маълумотлар доимий равишда умумлаштирилиб, ижро муддати ва сифати нуқтаи назаридан таҳлил қилиб борилади. Шунингдек, режалаштирилган ислоҳотларни ўз вақтида ва самарали амалга ошириш мақсадида Марказ мутахассислари томонидан жойларда жамоатчилик мониторинги тадбирлари ўтказиш амалиёти йўлга қўйилган. Жумладан, якунига етган йил давомида Давлат дастури ижроси боришини кузатиш мақсадида Республиканинг 10та ҳудудида мониторинг ва ўрганишлар ташкил қилинди.

Доимий мониторинг ва ўрганишлар натижалари, ўз навбатида, Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш бўйича комиссияларга ҳамда тегишли вазирлик ва идораларга тақдим этиб борилади. Бундан ташқари, «Тараққиёт стратегияси» маркази Давлат дастури ижроси ҳолати бўйича маълумотларни расмий веб-сайтда ҳам кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола этиб келади.

2018 йил давомида «Тараққиёт стратегияси» маркази фаолияти ва «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг бажарилишини кенг ёритиш ва барча жабҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларни аҳолига етказиб бориш мақсадида Марказ томонидан республикамиздаги барча оммавий ахборот воситаларида, радио ва телевидениеда 300дан зиёд медиа маҳсулотлар тайёрланди. Шунингдек, 2018 йил Давлат дастури лойиҳаси муҳокамаси, даврий ижро ҳолати юзасидан ҳамда йил давомида амалга оширилган ишлар сарҳисобига бағишланган 68та брифинг ва матбуот анжуманлари ташкил этилди ҳамда ахборот-таҳлилий жиҳатдан таъминланди.

Республиканинг барча ҳудудларида Давлат идоралари, жамоат ва тижорат ташкилотлари вакиллари учун йил давомида Ҳаракатлар стратегияси доирасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар ва ривожланиш дастурлари мазмун-моҳиятидан жойларда фуқароларнинг хабардорлигини ошириш мақсадида 80дан ортиқ тақдимот ва учрашувлар ташкил этилди. Ўтказилган тадбирларда

Иқтисодиётнинг барча соҳалари рақамли технологиялар асосида янгиланишини назарда тутадиган Рақамли иқтисодиёт миллий концепцияси ишлаб чиқилади ҳамда **«Рақамли Ўзбекистон – 2030»** дастури ҳаётга татбиқ этилади.

Манба: *Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномасидан.*



Манба: *Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномасидан.*

7000дан зиёд турли идоралар ва жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Шу билан бир қаторда, Давлат дастурлари доирасида амалга ошириладиган тадбирларнинг экспертлар ҳамда жамоатчилик ўртасида кенг муҳокама этилишини ташкил қилиш мақсадида турли қонун ҳужжатлари лойиҳалари ва ривожланиш концепциялари муҳокамасига бағишланган 30дан зиёд экспертлик ва жамоатчилик муҳокамалари ташкил этилди. Хусусан, Ўзбекистон тиббиётини тубдан такомиллаштириш концепциясини тайёрлаш доирасида масъул вазирлик ва идоралар вакиллари билан ҳамкорликда Туркия, Буюк Британия, Корея, Исроил, ХХР каби давлатларга хизмат сафарлари уюштирилиб, илғор хорижий тажрибалар ўрганилди.

Ўзбекистонда Ҳаракатлар стратегияси доирасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ва туб ўзгаришлар ҳақида хорижий давлатлар сиёсий ва академик доиралари, бизнес ҳамжамиятлари ва жамоатчилик вакилларини кенг хабардор қилиш мақсадида Марказ вакиллари томонидан Германия, Франция, Бельгия, Буюк Британия, АҚШ, ХХР, Козоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Россия Федерацияси, Ҳиндистон, Баҳрайн, Италия, Туркия, Корея, Япония каби давлатларда 130дан ортиқ учрашув ва тақдимотлар ўтказилди.

«Тараққиёт стратегияси» маркази, шунингдек, келгуси йиллар Давлат дастурлари лойиҳаларини шакллантириш, ислоҳотларнинг бориши юзасидан аҳолининг фикр ва таклифларини ўрганиш йўналишида ҳам қатор тадбирларни амалга ошириб келмоқда. Хусусан, 2018 йилнинг октябрь-ноябрь ойлари давомида кенг жамоатчилик ўртасида ўтка-

Манба: *Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномасидан.*

зилган «Ҳаракатлар стратегияси – йил сарҳисоби» ижтимоий фикри сўровида 9400дан зиёд фуқаролар иштирок этиб, улардан 2018 йилда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бажарилиши ҳамда 2019 йилда эътибор қаратиш лозим бўлган йўналишлар юзасидан 2000дан зиёд таклиф ва мулоҳазалар келиб тушди.

Бундан ташқари, Марказ томонидан жорий йилнинг 3–15 январь кунлари давомида «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили» Давлат дастури лойиҳаси юзасидан ўтказилган жамоатчилик муҳокамаларида фуқаролардан жами 4180дан зиёд фикр ва таклифлар келиб тушди. Фуқаролар «Тараққиёт стратегияси» маркази томонидан махсус яратилган 2019.strategy.uz веб-сайти ва Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси портали (regulation.gov.uz) орқали изоҳлар қолдирдилар.

Шунингдек, кенг жамоатчилик, халқаро экспертлар, тегишли вазирлик ва идоралар мутахассислари, хориждаги ватандошлар, бизнес доира ҳамда фуқаролик жамияти институтлари вакиллари иштирокида давра суҳбатлари, учрашув ва анжуманларда билдирилган ёзма ва оғзаки таклифлар умумлаштирилди. Бундан ташқари, Ўзбекистонда фаолият юритаётган халқаро ташкилот вакилларининг таклифлари ҳам ўрганилди.

Келиб тушган фикр ва таклифларнинг барчаси ишчи гуруҳи томонидан соҳа мутахассислари иштирокида таҳлил қилинди. Иш жараёнида таклифлар мазмунига кўра икки гуруҳга – тегишли бандга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳамда Давлат дастури лойиҳасига қўшимча янги банд киритиш бўйича кўриб чиқилиб, Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш бўйича Миллий комиссияга тақдим этилди ва натижада ҳужжат лойиҳаси янада такомиллаштирилди.

2019 йилнинг 17 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида»ги фармони имзоланди ва унга асосан 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тасдиқланди.

Фармон билан «Тараққиёт стратегияси» марказига Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда «Юксалиш» умуммиллий ҳаракати билан ҳамкорликда Давлат дастури амалга оширилишининг боришини тизимли мониторинг қилиш, уни сифатли ва ўз вақтида бажариш учун қўшимча чоралар кўриш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш, Давлат дастури амалга оширилишининг бориши тўғрисидаги ахборотни ҳар ойда умумлаштириш ҳамда якунларини аниқ кўрсаткичлар ва эришилган ижобий ўзгаришларни акс эттирган ҳолда ўз веб-сайтларида жойлаштириш вазифалари юклатилди.

Бундан ташқари, Марказ томонидан ўтказиладиган мониторинг натижалари тўғрисидаги ахборот ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиб борилади. Шунингдек, Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш бўйича ислоҳотлар ҳамда Давлат дастурида белгиланган чора-тадбирларнинг ижроси якунларига бағишланган ахборот-таҳлилий шарҳлар тайёрланиб, улар хорижий тилларда эълон қилинади ва кенг тарқатилади.

ABSTRACTS

THE RESULTS OF "DEVELOPMENT STRATEGY" CENTER ACTIVITY AND TASKS FOR THE CURRENT YEAR

The article is devoted to the results of "Development strategy" center activity for 2018 and the future tasks for current year. The "Development strategy" center was established according to the Presidential decree for five priority directions of the development of the Republic of Uzbekistan for 2017-2021 dd. February 14, 2017. At present, the center has established cooperation ties with 170 ministries and organizations for implementation of government programs.

ЧАКАНА ХИЗМАТЛАР КЎЛАМИНИ КЕНГАЙТИРИШ АҲОЛИГА ҚЎШИМЧА ҚУЛАЙЛИКЛАР ЯРАТМОҚДА

Самибой Бўстонов,
АТ Халқ банки
Чакана хизматлар
департаменти директори

Сарвар Очилов,
АТ Халқ банки
ахборот хизмати
ходими

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 мартдаги «Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3620-сонли Қарори ижроси юзасидан акциядорлик тижорат Халқ банки тизимида чакана банк хизматларини кўрсатиш бўйича аҳолига қулайликлар яратиш мақсадида бир қатор эътиборга молик ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, 2018 йил июль ойидан бошлаб Халқ банки барча филиалларида мижозлар банк биносига дастлабки рухсатларсиз ҳамда шахсни тасдиқловчи ҳужжатларсиз кириши ва банк хизматларидан фойдаланиши имконияти яратилди.

Аҳолига банк хизматларини кўрсатиш сифатини ошириш ҳамда мижозларга қулайликлар яратиш мақсадида сўнгги йилларда банк томонидан республикамизда мавжуд аксарият вилоят ва туман (шаҳар) филиаллари замонавий қиёфада, тўлиқ қайта таъмирланди.

Қарор ижроси доирасида 196та филиалдан 185тасида «Банк хизматлари марказлари» фаолияти ташкил этилиб, унга асосан фронт- ва бек-офисга ажратилган ҳолда хизмат кўрсатиш ташкил этилди. Бугунги кунда қолган 11та филиалда капитал ва жорий таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда, таъмирлаш ишлари якунланганидан сўнг «Банк хизматлари марказлари» фаолияти ташкил этилиши таъминланади.

Шунингдек, банк филиалларида «RECEPTION» фаолияти йўлга қўйилиб, мижозларга банк хизмати бўйича дастлабки маълумотлар берувчи 195та маслаҳатчи лавозими ташкил этилди. Ушбу банк хизматлари маслаҳатчиси, яъни «RECEPTION» ходими учун стандарт талаблар ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилди.

Шу билан бирга, Халқ банки тизимида ходимларнинг ҳуқуқий онгини, маънавий-маърифий савиясини ва касбий малакасини ошириш мақсадида «Корпоратив маданият ва хулқ-атвор қоидалари» ишлаб чиқилди ва уларни амалиётга жорий этиш бўйича ўқув ишлари ташкил этилди.

Хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш, мижозларнинг эҳтиёжларини доимий мониторинг қилиб бориш мақсадида «Кюматик» русумидаги навбат кутиш тизими мижозларга хизмат кўрсатиб келмоқда.

Хусусан, Қарор ижроси доирасида Халқ банкининг 50та филиалида жаҳон андозаларига мос қурилиш ва капитал таъмирлаш ишлари олиб борилиб, замонавий техника воситалари ҳамда мебель жиҳозлари билан таъминланиб, шу билан бирга, халқаро тўлов тизимларини бажарувчи кўп функцияли банкоматлар ўрнатилди. Бу эса мижозларга сифатли ва жозиба-

дор банк хизматлари кўрсатилишини таъминлайди.

Янгидан ташкил этилган «Банк хизматлари маркази»нинг афзаллиги шундаки, банкка келган мижоз навбат кутмайди, яъни марказдаги универсал ходимларимиз банк фаолияти билан боғлиқ барча амалиётларни бажара олишади. Ушбу марказдаги юридик шахслар учун 5 нафар, жисмоний шахслар учун 7 нафар ходимимиз томонидан бир кунда ўртача 700 нафарга яқин мижозга сифатли банк хизматлари кўрсатилмоқда. Халқ банкида барча қулайликларга эга бўлган «Банк хизматлари маркази» ташкил этилгани мижозларнинг мушкулини осон қилмоқда. Сабаби, марказдаги банкнинг 7 нафар универсал ходими банк билан боғлиқ барча амалиётларни қисқа муддатларда ҳал этишмоқда.

Ушбу универсал ходимлар томонидан жисмоний шахсларга кредитлар ажратиш, аҳолидан миллий ва хорижий валютада омонатларни қабул қилиш, нақд ва нақдсиз барча тўловларни қабул қилиш, фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия тизими, конверсия, халқаро пул ўтказмалари ва пластик карталарга оид амалиётларини бажариш, ҳисоб операциялари, жисмоний шахслар учун қимматли қоғозлар бўйича операциялар, банк томонидан жорий қилинган тиражли ва лаҳзали лотереяларни сотиш ҳамда лотерея бўйича бошқа хизмат турларини кўрсатиш, қимматбаҳо буюмларни сақлаш бўйича амалиётлар ва банкнинг бошқа қўшимча чакана хизмат турлари кўрсатилмоқда.

Банк филиалларига фарзандлари билан бирга ташриф буюрувчи мижозларга қўшимча

> Халқ банки барча филиалларида мижозлар ва меҳмонлар учун ичимлик сув кулерлари, ўтириш учун етарли ўриндиқлар ҳамда электрон навбатнинг мавжудлиги муҳим қулайликлардандир.

қулайликлар яратиш мақсадида намуна тариқасида банкнинг Тошкент шаҳар Чилонзор филиали ҳамда Хоразм вилояти Амалиёт бўлимида оналар ва болалар хоналари ташкил этилди.

Яна бир қулайлик тариқасида банкнинг аксарият филиаллари мобиль алоқа воситаларини (смартфон ва планшет) қувватлантирувчи қурилмалар, шу билан бирга, мижозлар ва меҳмонларга банк хизматлари тўғрисида маълумотлар тақдим этиш мақсадида филиалларнинг кутиш залларида телевизорлар ўрнатилди ҳамда банк фаолиятига оид реклама роликлари билан таъминланди.

Халқ банки барча филиалларида мижозлар ва меҳмонлар учун ичимлик сув кулерлари, ўтириш учун етарли ўриндиқлар ҳамда электрон навбатнинг мавжудлиги муҳим қулайликлардандир.

Мазкур ишлар давоми сифатида келгусида банкнинг барча филиалларида оналар ва болалар хоналарини ташкил этиш, мобиль алоқа воситаларини қувватлантириш қурилмалари билан таъминлаш, филиалларда тушликсиз ишлашни босқичма-босқич ташкил этиш режалаштирилмоқда.

Банкнинг барча филиаллари тасарруфидаги 731та банкдан ташқарида жойлашган чакана амалиётлар кассалари орқали коммунал ва бошқа бир неча турдаги тўловларни қабул қилиш билан биргаликда аҳолининг нақд пулга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида ушбу кассаларга чиқим терминаллари ўрнатилиб, бу орқали аҳолига банк пластик карточкаларидан нақд пул маблағларини чиқим қилиб бериш амалиёти йўлга қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 15 ноябрдаги «Пул-буюм лотереялари ўтказишни ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига биноан акциядорлик тижорат Халқ банкига пул-буюм лотереяларини ташкил этиш ва ўтказиш ҳуқуқи берилган. Молия вазирлиги томонидан берилган лицензияга асосан банк томонидан бир неча турдаги лотерея муомалага чиқарилган.

Банк туман (шаҳар) филиаллари тасарруфидаги чакана амалиёт кассалари орқали банк томонидан муомалага чиқарилган тиражли, пул-буюм ютуқли ва лаҳзали лотереяларнинг сотуви йўлга қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 9 майдаги «Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки ва «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкининг молиявий ҳолатини яхшилаш ҳамда фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3694-сонли Қарорига асосан «UzPaynet» МЧЖнинг мулкчилик шакли ўзгарган ҳолда унинг барча мажбуриятлари акциядорлик тижорат Халқ банкига ўтказилди.

Омонатларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида банк филиалларида «Бармоқ изи» тизими жорий этилган бўлиб, омонат маблағларини омонатчининг иштирокисиз тасарруф этишга чек қўйилди ва мижозларнинг банкка бўлган ишончи янада ошди.

Бугунги кунда Халқ банки тасарруфидаги барча чакана амалиётлар кассалари орқали Paynet тўлов тизими жорий этилган бўлиб, бунинг натижасида аҳолига янада кенгроқ ва қулайроқ тарзда хизмат кўрсатиш имконияти яратилган.

2019 йил 1 январь ҳолатига банкнинг туман (шаҳар) филиаллари биноларида банк мижозларига тезкор ва сифатли хизмат кўрсатиш мақсадида 492та чакана амалиёт кассалари ташкил этилди.

Шунингдек, республика ҳудудида мавжуд нотариал идоралар биноларида банк филиаллари тасарруфидаги 55та янги чакана амалиёт кассалари ташкил этилиб, ҳудудда хизмат кўрсатаётган нотариал идоралар биноларида банк тасарруфидаги чакана амалиёт кассаларини босқичма-босқич ташкил этиш бўйича Адлия вазирлиги билан ҳамкорликда зарурий ишлар олиб борилмоқда.

Ҳозирги кунда Халқ банки томонидан мижозларга аҳолининг ижтимоий ва ёшга оид тоифаларини ҳисобга олган ҳолда, шартлари ҳамда сақлаш муддатлари турлича бўлган миллий ва хорижий валюталардаги хилма-хил депозитлар таклиф этилмоқда. Мижоз шахсан ўзи учун энг манфаатли бўлган омонатни танлаши мумкин. Банк эса фуқаролар ўз пуллари учун ташвиш чекмаслиги ҳамда бўш пул маблағларини Халқ банкидаги депозит ҳисобварақларида сақлашни афзал кўришидан манфаатдордир.

Бугунги кунда Халқ банки муассасаларида биргина миллий валютадаги депозитларнинг ўн икки тури жорий этилган. Улар бўйича йиллик 20 фоизгача даромад тўланмоқда. Бу эса фуқаролар Халқ банкига уларнинг маблағларидан иқтисодиётни ривожлантириш ёки ижтимоий дастурларни амалга ошириш учун фойдаланаётган ҳамда бу пуллар қайтарилиши ва фоизлари тўланишини кафолатлаётган муассаса сифатида қараётганидан ва уларнинг нафақат Халқ банкига, балки умуман банк тизимига ишончи ортганидан далолат беради.

Шу билан бирга, омонатларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида банк филиалларида «Бармоқ изи» тизими жорий этилган бўлиб, омонат маблағларини омонатчининг иштирокисиз тасарруф этишга чек қўйилди ва мижозларнинг банкка бўлган ишончи янада ошди.

Фуқароларнинг тижорат банкларига ишончини мустаҳкамлаш банк тизимининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Бунга эса фақат танланган банкнинг ишончлилиги ва барқарорлиги эмас, айни пайтда амалдаги қонуний-ҳуқуқий база ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Мисол учун, Халқ банкига қўйилган аҳоли омонатларининг давлат томонидан кафолатлангани мижозлар ишончини янада мустаҳкамламоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 мартдаги ПҚ-3620-сонли Қарори тегишли бандлари билан банклар зиммасига қулай тўлов хизматларини яратиш ва ривожлантириш, нақд пулсиз тўловларни амалга оширишда инновацион маҳсулотларни, шу жумладан, бевосита мулоқотсиз ва мобиль технологияларни ривожлантириш ҳамда илгари суриш, бундай технологияларни биринчи навбатда ижтимоий-маиший хизмат кўрсатиш, транспорт, савдо, умумий овқатланиш соҳаларида, айниқса, ҳудудларда жорий этиш, халқаро тўлов тизимлари билан ўзаро ҳамкорликни таъминлаш вазифалари юклатилган. Ушбу вазифалардан келиб чиқиб, интернет ва мобиль хизматлар йўналишида ҳам мижозларга қулайлик яратиш мақсадида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Халқ банки тизимида «Xalq Mobile» мобиль иловаси жорий этилган бўлиб, мазкур бандлар ижроси юзасидан мобиль иловада янги хизмат турлари киритилиб, амалиётга жорий этилди. Жумладан, онлайн-конверсия хизмати орқали миллий валютани АҚШ долларига бир неча сонияда онлайн тарзда конверсия қилиш мумкин, шу қаторда мазкур банк ёки бошқа банк карталарига пул ўтказмаларини амалга ошириш, бир нечта карталарни қўшиш ва уларнинг ҳисобрақамларини назорат қилиш ҳамда бошқариш, тўлов ва ўтказмалар тарихини сақлаш, Халқ банки томонидан мижозга

тақдим этилган кредитлар бўйича қолдиқ маблағларини кузатиб бориш ҳамда жорий ой учун ҳисобланган қарздорликни онлайн сўндириш, банкда сақланаётган омонат ва жамғармалар тўғрисидаги маълумотларни кўриш ҳамда ҳисобланган устама ҳақ миқдорини назорат қилиб бориш, жамғариб бориладиган пенсия таъминоти иштирокчилари учун сўнгги 12 ойлик тушумлар, ихтиёрий ҳамда ҳисобланган қўшимча устама ҳақ миқдорини кузатиб бориш, мобиль телефон, интернет ва бошқа хизматлар учун мижозга қулай бўлган вақтда ҳамда жойда тўловларни амалга ошириш имкониятлари мавжуддир.

Онлайн-конверсия хизмати бўйича мижоз Халқ банкининг ўзига қулай ва яқин ҳудудда жойлашган филиалига шахсни тасдиқловчи ҳужжат билан мурожаат этиб, UZcard ва Visa карталарига эга бўлганлари ҳолда уларни «Xalq Mobile» мобиль иловасида рўйхатдан ўтказадилар. Мобиль илованинг «Карталар» бўлимидаги «Конверсия» модули орқали хорижий валютани исталган вақтда сотиб олиш мумкин ва бунинг учун банкка бориб вақт сарфлашга ҳожат йўқ. Халқаро тўлов картасидан банк кассалари орқали нақд чет эл валютасини ечиб олиш имконияти ҳам мавжуд.

Интернет тизимига уланиб, дунёнинг исталган интернет дўкони орқали харидлар ҳамда хизматларни бронь қилиш операциясини амалга ошириш мумкин.

Шунингдек, ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганган ҳолда Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган банклар мижозларига янада қулайликлар яратиш ҳамда юқоридаги қарор ижросини таъминлаш мақсадида синов тариқасида Тошкент шаҳри Амалиёт бўлими ва Шайхонтоҳур филиалларида «24/7 Электрон офис»лар ташкил қилинди. Ушбу офислар мижозларга сифатли хизмат кўрсатиб келмоқда. Яна қўшимча равишда жорий йил давомида 20та «24/7 Электрон офис»ларни ишга тушириш режалаштирилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида Халқ банкининг филиаллари орқали «Миллий валютадаги пул ўтказмаси» тизимини амалиётга жорий этиш юзасидан зарурий ишлар амалга оширилмоқда. Ушбу тизимли хизмат тури банк мижозлари учун жорий йилнинг апрель ойидан ишга туширилиши режалаштирилмоқда.

Халқ банки тасарруфидаги мини-банклар тармоғини яна 2тага кўпайтириш мақсадида Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур филиалининг «Тинчлик» номли ва Учтепа филиалининг «Юксалиш» номли мини-банкларини ташкил этиш режалаштирилган ҳамда бу борада жорий йил 5 февралда Банк Бошқарувининг тегишли қарори қабул қилинди. Ушбу мини-банкларни жаҳон андозаларига мос, замонавий жиҳозлар билан таъминлаш, мижозлар учун зарурий шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, мижозлар автомашиналарини қўйишлари учун автотураргоҳлар ташкил этиш кўзда тутилмоқда.

Мазкур мини-банклар орқали жисмоний шахсларга «Western Union», «Контакт», «MoneyGram», «Юнистрим» ва «Золотая корона» пул ўтказмаларини йўлга қўйиш, юридик ва жисмоний шахсларга барча турдаги банк хизматларини кўрсатиш мўлжалланмоқда.

Яна бир янгилик, Акциядорлик тижорат Халқ банки филиалларида ҳисобрақам очган янги мижозларга қўшимча имтиёзлар яратиш мақсадида Интернет-банкинг ва Мобиль банкинг дастурлари бепул ўрнатиб берилмоқда. Олдин бу хизматлар орқали маблағлар Халқ банки филиали бош бухгалтери тасдиқлагандан сўнг ўтар эди. Энди эса бунга чек қўйилди. Банк мижози юқоридаги хизматлардан фойдаланган ҳолда маблағни қабул қилувчи мижозга дам олиш кунлари ҳам тўғридан-тўғри ўтказа олади.

Бир сўз билан айтганда, юртимизда Халқ банки томонидан янгидан амалиётга жорий этилаётган замонавий чакана хизмат турлари замирида аҳоли ва банк мижозлари учун қўшимча қулайликлар яратиш мақсади ётибди.

ABSTRACTS

THE EXPANDING OF RETAIL SERVICES CREATES ADDITIONAL CONVENIENCES FOR POPULATION

The article is devoted to the expanding of retail services in the Halk bank of Uzbekistan. In accordance with the Presidential Decree of the Republic of Uzbekistan "On additional measures to expand public access to banking services" dd. March 23, 2018, a number of outstanding events are underway to create a new convenience of retail banking services in the Joint-Stock Commercial Halk Bank.

ЁШЛАРНИНГ ТАЯНЧИГА АЙЛАНГАН КЕНГАШ

Умид Валиев,
Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки Бошқаруви Раисининг Ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси

Ёшларга эътибор ҳақида сўз кетганда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 июлдаги ПҚ-3138-сонли «Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи фаолиятини такомиллаштиришга доир комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига алоҳида тўхталиш жоиз. Мазкур қарор асосида барча вазирлик ва ташкилотларда Ёшлар иттифоқи бошланғич кенгашлари ташкил этилиб, улар юртимиз ёшларини бир мақсад сари бирлаштирган ягона куч сифатида шаклланмоқда.

Айни кунда Ўзмиллийбанкда жами 5 790 нафар ходим меҳнат қилмоқда, шундан 2 130 нафари 30 ёшгача бўлган ёшлардир. Улардан 1 097 нафари ёки 51,5 фоизи йигитлар, 1 033 нафари ёки 48,5 фоизи қизлардир.

Банк тизимида фаолият юритаётган Ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилотларининг саъй-ҳаракатларини алоҳида эътироф этиш жоиз. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки Ёшлар иттифоқи кенгашининг ташкил этилганига ҳали кўп вақт бўлмади, бироқ ўтган йиллар мобайнида у сезиларли натижаларга эришди, дея бемалол айта оламиз. Бу ҳақда банк Бошқаруви раисининг Ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси Умид Валиев бизга қуйидагиларни сўзлаб берди:

– Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи ташкил қилинган кундан бошлаб Банкимиз ёшлари билан ишловчи муҳим тизим ўз фаолиятини бошлади. Бу ҳақда кенгроқ тўхталадиган бўлсак, айни кунда Ўзмиллийбанкда жами 5 790 нафар ходим меҳнат қилмоқда, шундан 2 130 нафари 30 ёшгача бўлган ёшлардир. Улардан 1 097 нафари ёки 51,5 фоизи йигитлар, 1 033 нафари ёки 48,5 фоизи қизлардир.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, банк томонидан тизимга ёш кадрларни жалб қилиш борасида сезиларли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Биргина ўтган йилнинг ўзида 760 нафар ходим ишга қабул қилинган бўлса, уларнинг аксарияти, яъни 510 нафари ёки 67,1 фоизини ёш кадрлар ташкил этади.

Шу билан бирга, мазкур молия муассасасида ходимларнинг билими ва малакасини ошириш борасида ҳам кўплаб ижобий ишлар қилинаётганини таъкидлаш ўринлидир. Жумладан, Банк-молия академиясида ўндан ортиқ, Давлат ва жамият қурилиши академиясида ўнлаб ёшларнинг таҳсил олаётгани фикримиз тасдиғидир. Қолаверса, ўтган йилнинг ўзида Ўзбекистон банклар ассоциацияси, Банк-молия академияси, Сингапур менежментни ривожлантириш институтида юздан ортиқ ёшлар ўз малакасини оширди. Банкнинг Ўқув маркази томонидан эса турли мавзуларда қирққа яқин ўқув семинарлари ташкил этилиб, уларда жами 1 193 нафар ходим малака оширган, шундан 650 нафардан ортиғини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил қилади.

> Банк тизимида фаолият юритаётган иқтидорли ёшлар «Энг фаол ёш банк ходими» танловига, «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони учун номзод сифатида кўрсатилаётгани ёшларни янада шижоат билан иш юритишга ундамоқда.

Шунингдек, Тошкент молия институти ва Тошкент давлат иқтисодиёт университети билан ўзаро ҳамкорлик шартномалари имзоланган бўлиб, унга кўра мазкур олий таълим муассасаларининг иқтидорли талабалари танлаб олиниб, уларни Ўзмиллийбанкнинг шаҳар ва вилоят бўлимларига ишга қабул қилиш йўлга қўйилган.

Банк тизимида фаолият юритаётган иқтидорли ёшлар «Энг фаол ёш банк ходими» танловига, «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони учун номзод сифатида кўрсатилаётгани ёшларни янада шижоат билан иш юритишга ундамоқда. Уларнинг спорт ва интеллектуал телевизион лойиҳаларда иштирок этиши йўлга қўйилгани эса ёшларимизнинг жисмонан соғлом ва маънан етук бўлишига хизмат қилмоқда.

Маълумки, Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Ўзбекистон банклари ассоциацияси ҳамкорлигида «Ўзбекистоннинг энг фаол ёш банк ходими» танлови ўтказиб келинмоқда. Танловнинг ўтган йилги босқичларида жами 2200 нафарга яқин ёш банк ходимлари иштирок этиб, республика якуний босқичида Ўзмиллийбанк Бош офиси ходими Абдукаримов Мангуберди республикада фахрли 2-ўринни эгаллади.

Шунингдек, Ўзмиллийбанкда иқтидорли ёш кадрларни танлашнинг замонавий тизимини ишлаб чиқиш ва босқичма-босқич жорий этиш, рационал тарзда жойлаштириш, сифатли кадрлар захирасини шакллантириш, ёш ходимлар фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида «Очиқ эшиклар» лойиҳаси жорий қилинган. Ундан кўзланган асосий мақсад олий ўқув юртларида таълим олаётган 3–4 босқич талабалари билан суҳбат кунларини ташкил этиш ва шу орқали иқтидорли тингловчиларни аниқлаш, ўқиш даври давомида малака ошириш тизимини яратиш ва пировардида уларни иш ўринлари билан таъминлашдан иборатдир.

Мазкур лойиҳанинг дастлабки босқичида Тошкент молия институтининг 53 нафар, Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг 51 нафар, Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институтининг 59 нафар, Тошкент шаҳридаги Вестминстер халқаро университетининг 22 нафар талабаси, жами 185 талаба иштирок этди. Лойиҳанинг биринчи қисмида уларнинг фикрлаш даражасини аниқлаш мақсадида тест синовлари ўтказилди ва 27 талаба кейинги босқичга ўтди. Айни кунда мазкур талабаларнинг тизимда малака ошириш имкониятлари ўрганиб чиқилмоқда.

Ўзмиллийбанкнинг истеъдодли ёшларидан таркиб топган гуруҳ тузилган бўлиб, ушбу гуруҳ «Заковат» интеллектуал клубида қатнашиб келмоқда ва ҳозирги кунда 80дан зиёд жамоалар орасида 15-ўринни эгаллашга эришди. Жамоа экран ўйинларига йўлланма берувчи ўринлар учун ўз устида доимий равишда ишламоқда, ҳар ҳафтада жамоа тренинг машғулотлари йўлга қўйилган. 2018 йил июль ойида Миллий банк Бош офиси ва филиаллар ёш ходимлари ўртасида «Брейн ринг» мусобақаси ўтказилди. Ғолиблардан шакллантирилган жамоа

> Ўзмиллийбанкнинг истеъдодли ёшларидан таркиб топган гуруҳ тузилган бўлиб, ушбу гуруҳ «Заковат» интеллектуал клубида қатнашиб келмоқда ва ҳозирги кунда 80дан зиёд жамоалар орасида 15-ўринни эгаллашга эришди.

«Урфон шоу» интеллектуал телевизион лойиҳасида иштирок этиб, турнирнинг ярим финал босқичига қадар етиб борди.

Бундан ташқари, Ўзмиллийбанк ёш ходимлар ўртасида соғлом турмуш тарзини жорий этиш ва жамоавий муҳитни мустаҳкамлаш, дам олиш ва қадим масканларга саёҳатлар ташкил этиш борасида ҳам қатор ишларни амалга ошириб келмоқда. Жумладан, буюк алломаларимизга нисбатан ҳурмат-эҳтиром руҳида тарбиялаш, уларнинг ибратли ҳаётини ўрганиш мақсадида ўтган йили тизимда фаолият юритаётган ёшларнинг 45 нафари тарихий ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳрида бўлиб қайтишди. Бу эса уларни янада шижоат билан ишлашга ундади.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, ёш ходимлар орасида спорт билан шуғулланиш ва соғлом ҳаёт тарзини жорий этиш ҳамда уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида Ўзмиллийбанк раҳбарияти томонидан «Ёшлик» спорт мажмуасига ташриф буюрувчи ёш ходимларга 75% миқдорида чегирма олиш имконияти яратилди. Банк ходимлари спорт мажмуасида теннис корти, футзал, футбол майдони, стадион, сузиш ҳавзаси, шунингдек, фитнес марказида спорт билан бемалол шуғулланишлари мумкин. Бундан унумли фойдаланган банк ходимлари барча спорт турларида фаол иштирок этиб, банклар ўртасида ташкил этилаётган республика спорт мусобақаларида ғолибликни қўлга киритмоқдалар.

Буюк алломаларимизга нисбатан ҳурмат-эҳтиром руҳида тарбиялаш, уларнинг ибратли ҳаётини ўрганиш мақсадида ўтган йили тизимда фаолият юритаётган ёшларнинг 45 нафари тарихий ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳрида бўлиб қайтишди.

Шунингдек, миллионлар ўйини бўлган футбол спорт турига ҳам Ўзмиллийбанк ёшларининг қизиқиши юқори. Мисол учун, 2018 йил апрель ойида Ўзмиллийбанк Бош офиси ҳамда банк Тошкент шаҳридаги бўлим ва филиалларининг жами 16 та жамоаси ўртасида футбол турнири бўлиб ўтди. Ўзмиллийбанкнинг Наманган вилояти Ёшлар етакчилари ва Ёшлар иттифоқи ҳамкорлигида хайрия футбол мусобақаси ташкил қилиниб, ундан йиғилган маблағлар вилоятдаги 26-сонли болалар уйига йўналтирилди.

Ўзмиллийбанкнинг Наманган вилояти Ёшлар етакчилари ва Ёшлар иттифоқи ҳамкорлигида хайрия футбол мусобақаси ташкил қилиниб, ундан йиғилган маблағлар вилоятдаги 26-сонли болалар уйига йўналтирилди.

Ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда тузилма томонидан Ўзмиллийбанкнинг интернетдаги расмий сайтида ёшларга оид давлат сиёсати бўйича алоҳида саҳифа ташкил этилди. Телеграм ижтимоий тармоғида Ўзмиллийбанк ёшлар иттифоқи канали очилгани ва ушбу канал орқали ёшларга оид маълумотлар доимий равишда бериб борилаётгани уларнинг бир тану бир жон бўлиб ишлашига туртки бераётир.

ABSTRACTS

THE COUNCIL BECOMES A SUPPORT FOR YOUTH

The article deals with the activity of unit of Youth Union at the National bank for FEA. This unit was established according to the Presidential decree of the Republic of Uzbekistan №3138 “On comprehensive measures to improve the activities of the Union of Youth of Uzbekistan” dd. July 18, 2007. The Youth Union was established as the only authority that unites the youth of the country.

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ БАНКОВСКИХ КРЕДИТОВ В СОВРЕМЕННЫХ УСЛОВИЯХ

Жонибек Ергешев,
управляющий филиала «Дархан» ЧАБ «Трастбанк»

С развитием в нашей стране рыночных отношений, появлением предприятий различных форм собственности особое значение приобретает проблема правового регулирования финансово-кредитных отношений субъектов предпринимательской деятельности.

В настоящее время назрела необходимость в полной мере использовать экономические рычаги, присущие кредитной сфере, разработать и реализовать принципиально новые подходы к управлению денежным обращением страны.

В современных условиях во внешнеэкономической деятельности начинают более широко использоваться банковские кредиты. Они предоставляются на основе заключения соглашения, где формулируются соответствующие обязательства сторон и условия кредитования.

В результате проводимых реформ в банковской системе внедряются рыночные механизмы оказания услуг, расширяются их виды, повышается финансовая доступность для предпринимателей и населения. Внедряются новые банковские услуги, облегчающие проведение валютно-обменных операций для населения, созданы условия по приобретению иностранной валюты индивидуальными предпринимателями.

Значение банковского кредитования обусловлено эффективностью его применения для различных субъектов: государства, населения, самих банков. Характерная для кредитных отношений черта возвратности средств повышает заинтересованность субъектов с точки зрения стремления к экономии на объемах и сроках привлекаемых средств. В конечном счете, кредитование значительно влияет на производственные процессы в экономике, на уровень потребления товаров, на денежный оборот в стране в целом.

Согласно Постановлению Президента Республики Узбекистан от 23 марта 2018 года «О дополнительных мерах по повышению доступности банковских услуг» расширились права филиалов по самостоятельному принятию решений о выдаче кредита без дополнительного согласования с головным банком.

В условиях интенсивного развития банковского сектора страны ЧАБ «Трастбанк» осуществляет широкий спектр деятельности, охватывающий практически все сферы внутренних и международных банковских операций, и развивает современные банковские технологии,

Согласно Постановлению Президента Республики Узбекистан от 23 марта 2018 года «О дополнительных мерах по повышению доступности банковских услуг» расширились права филиалов по самостоятельному принятию решений о выдаче кредита без дополнительного согласования с головным банком.

В филиале «Дархан» ЧАБ «Трастбанк» внедрено круглосуточное предоставление услуг посредством банкоматов, через Call-центр запущена услуга «Сурдо-онлайн». В планах ЧАБ «Трастбанк» открытие еще двух мини-банков в Ташкенте – «Бектемир» и «Сайрам».

позволяющие предоставлять банковские услуги на уровне международных стандартов. Так, в филиале «Дархан» ЧАБ «Трастбанк» внедрено круглосуточное предоставление услуг посредством банкоматов, через Call-центр запущена услуга «Сурдо-онлайн». В планах ЧАБ «Трастбанк» открытие еще двух мини-банков в Ташкенте – «Бектемир» и «Сайрам».

ЧАБ «Трастбанк» предоставляет различные кредиты как физическим, так и юридическим лицам.

Потребительский кредит – это самый распространенный на сегодняшний день вид кредита, его берут подавляющее большинство людей на самые разные цели, начиная с покупки различных товаров, таких как компьютеры, мебель, телефоны, и заканчивая такими серьезными покупками, как автомобиль или недвижимость в кредит.

Для получения потребительского кредита заемщик (физическое лицо) представляет в банк следующие документы: копию паспорта; справку с места жительства заемщика, выданную органами самоуправления граждан или товариществами частных собственников жилья (с указанием всех членов семьи, включая иждивенцев); справку с места работы, удостоверяющую в установленном порядке доходы заемщика за последние 12 месяцев; копию трудовой книжки, заверенную работодателем (для частных предпринимателей – копию удостоверения); копию Идентификационного номера налогоплательщика (ИНН), выданного Государственной налоговой инспекцией по месту жительства; договор на приобретение товара/оказание услуг, заключенный между продавцом и заемщиком.

Одним из популярных кредитов является потребительский кредит «Универсал», выдаваемый на приобретение товаров или услуг, произведенных в Республике Узбекистан. Срок рассмотрения кредитной заявки составляет до 3-х дней. Для получения кредита заемщик представляет в банк вышеперечисленные документы и документы по обеспечению своевременного возврата кредита.

Кредит «Ишончли хамкор» выдается физическим лицам на приобретение товаров длительного пользования и на услуги, произведенные в Республике Узбекистан, предназначенные для удовлетворения потребительских нужд физических лиц под поручительства организаций, производителей и/или оказывающих услуги, обслуживающихся в ЧАБ «Трастбанк» и имеющих юридический статус. Основные условия кредита «Ишончли хамкор»: кредит выдается на срок не более 2 лет без права пролонгации срока погашения кредита; максимальная сумма кредита на одного заемщика (физического лица) не должна превышать 200-кратный размер минимальной заработной платы, установленной законодательством Республики Узбекистан на момент подачи кредитной заявки; процентная ставка – 28% годовых.

Кредитование юридических лиц является одним из стратегических направлений деятельности ЧАБ «Трастбанк», предоставляющего клиентам большой выбор кредитных продуктов, гибкий подход к выбору и оценке залогов, удобные схемы погашения, а также разработку индивидуальных финансово-кредитных схем.

Одним из популярных кредитов является потребительский кредит «Универсал», выдаваемый на приобретение товаров или услуг, произведенных в Республике Узбекистан.

Для юридических лиц предоставляются следующие виды кредитов: кредит на пополнение оборотного капитала, кредит предприятиям, осуществляющим торговую деятельность; кредит на инвестиционные цели и кредит предприятиям с экспортоориентированной деятельностью.

К преимуществам кредитования юридических лиц относятся: оперативность принятия решений, конкурентные процентные ставки по кредитным продуктам, а также профессиональные консультации, предоставляемые высококвалифицированным персоналом банка, обеспечивающие клиенту получение кредитов в различных формах и на различные цели на максимально выгодных для него условиях; кредиты в национальной валюте на пополнение оборотных средств, финансирование инвестиционных проектов и микрокредиты в национальной валюте субъектам малого бизнеса.

В Германии вскоре появится Министерство дигитализации (Ministerium für Digitalpolitik). Во всяком случае, такое предложение серьезно обсуждалось в октябре-ноябре 2017 года в ходе переговоров о формировании нового правительства ФРГ. Во время предвыборной кампании практически все ведущие партии обещали ускорить переход страны к цифровой экономике[16].

В области Индустрии 4.0 немцы входят, наряду с американцами и японцами, в число первопроходцев, однако в деле внедрения цифровых информационных технологий и особенно сверхбыстрого Интернета ФРГ, согласно сравнительным международным исследованиям, значительно уступает целому ряду других высокоразвитых государств. То же самое по уровню развития электронного правительства: здесь вовсе не Германия служит примером другим членам Евросоюза.

Наметившееся отставание ФРГ на некоторых направлениях информатизации объясняется не только длительным недофинансированием развития инфраструктуры (что требует, в первую очередь, резкого увеличения инвестиций в прокладку стекловолоконных кабелей), но и особенностями немецкого законодательства. Оно чрезвычайно или даже чрезмерно строго регулирует, к примеру, защиту личных данных или ответственность за злоупотребления Интернетом, что одно время сдерживало, скажем, повсеместное внедрение в общественных местах беспроводного выхода во всемирную сеть (Wlan или Wi-Fi). Однако в настоящее время принят ряд разумных компромиссных решений.

Вторая причина, почему именно сейчас стал актуальным вопрос, связанный с информатизацией, состоит в осознании того факта, что переход к цифровой экономике ведет к уничтожению многих устаревших рабочих мест и к исчезновению целых профессий. В Германии этот процесс усиливается. Банки, к примеру, закрывают фили-

94 890 компаний и 1 078 759 работников из ИКТ-сектора Германии создают добавочную стоимость для немецкой экономики. На их долю приходится 4,7% валовой стоимости, что превышает вклад машиностроения.

[15] *Powering the Digital Economy. Tech City, Tech Nation 2015/ URL: http://www.techcityuk.com/wpcontent/uploads/2015/02/Tech%20Nation%202015.pdf.*

[16] *Цифровая экономика ФРГ: Новые технологии и рынок труда// Партнер, №12, 2017. https://www.partner-inform.de/partner/detail/2017/12/189/8839/cifrovaja-jekonomika-germanii-novye-tehnologii-izmenjajut-rynok-truda-i-vsju-nashu-zhizn?lang=ru.*

> Уже сегодня, согласно статистическим данным Национального исследовательского университета «Высшая школа экономики» (Российская Федерация), благодаря Интернету у 45% организаций повысилась эффективность взаимодействия с бизнес-партнерами.

алы и сокращают штаты, потому что все больше клиентов пользуется онлайн-банкингом.

РОССИЯ

Уже сегодня, согласно статистическим данным Национального исследовательского университета «Высшая школа экономики» (Российская Федерация), благодаря Интернету у 45% организаций повысилась эффективность взаимодействия с бизнес-партнерами. Для 35% организаций Интернет помог реорганизовать и унифицировать ряд бизнес-процессов. Весомую прибыль от применения Интернета ощутили 29% предприятий[17].

В Указе Президента Российской Федерации «О национальных целях и стратегических задачах развития Российской Федерации на период до 2024 года» от 7 мая 2018 г. отражены приоритеты развития в экономике и социальной сфере России. Речь в нем идет о переходе к инновационному развитию не только народного хозяйства, но и общества в целом. Одной из приоритетных задач для достижения данной цели является обеспечение ускоренного внедрения цифровых технологий в экономике и социальной сфере.

Принята Национальная Программа «Цифровая экономика Российской Федерации». К ключевым целям и показателям программы относятся:

- увеличение внутренних затрат на развитие цифровой экономики за счет всех источников (по доле в ВВП страны) не менее чем в три раза по сравнению с 2017 годом;
- использование преимущественно отечественного программного обеспечения государственными органами, органами местного самоуправления и организациями;
- создание устойчивой и безопасной информационно-телекоммуникационной инфраструктуры высокоскоростной передачи, обработки и хранения больших объемов данных, доступной для всех организаций и домохозяйств.

Данной программой государство берет на себя создание условий для развития цифровой экономики, реализуя такие национальные программы, как «Нормативное регулирование цифровой среды», «Информационная инфраструктура», «Кадры для цифровой экономики», «Информационная безопасность», «Цифровые технологии», «Цифровое государственное управление». Все шесть направлений программы «Цифровая экономика» в ближайшее время приобретут статус отдельных федеральных проектов.

Распоряжением от 29 марта 2018 года №528-р. из резервного фонда Правительства России выделены бюджетные ассигнования в размере 3040,4 млн. рублей на финансирование первоочередных мероприятий по направлениям «Информационная инфраструктура», «Формирование исследовательских компетенций и технологических заделов», «Информационная безопасность» программы «Цифровая экономика Российской Федерации».

Постановлением от 7 сентября 2018 года №1065, в целях консолидации вопросов развития цифровой экономики, использования информационных технологий, формирования в России информационного общества и электронного правительства, ранее действовавшие в этой области государственные координационные органы преобразованы в Правительственную комиссию по цифровому развитию, использованию информационных технологий для улучшения качества жизни и условий ведения предпринимательской деятельности[18]. Действует Ассоциация инновационных регионов России.

Новые задачи стоят перед высшей школой. По данным исследования, проведенного Фондом развития интернет-инициатив, в России в ближайшие

---

[17] *Сергеева О.Ю., Хисамова А.С. Современная интернет-индустрия и ее влияние на экономику // Проблемы современной экономики: материалы IV Междунар. науч. конф. (г. Челябинск, февраль 2015 г.). – Челябинск: Два комсомольца, 2015. – С. 74–77. – URL https://moluch.ru/conf/econ/archive/132/7132/ (дата обращения: 26.11.2018).*

[18] *http://government.ru/rugovclassifier/614/events/.*

10 лет должны появиться дополнительно 2 млн. IT-специалистов. Сейчас среднее профессиональное и высшее образование «приводит» в экономику России только 60 тыс. IT-специалистов в год. Чтобы конкурировать с Западом в области технологий, дополнительный набор на IT-специальности в России должен составлять минимум 40 тыс. человек в год[19].

Анализ практики внедрения цифровой экономики в странах мира позволяет сделать ряд выводов:

- основным инициатором и организатором мероприятий, разработчиком механизмов и инструментов создания цифровой экономики является государство (Республика Корея, Россия, Великобритания, Германия);
- не существует одинакового пути становления цифровой экономики, каждая страна приходит к цифровизации исходя из специфических условий и задач развития;
- приоритетность развития того или иного направления цифровой экономики зависит от целей правительства и бизнеса, а также от базовых условий экономического развития:
- новые развивающиеся страны со слабой индустриализацией и низким уровнем образования, а также небольшие по территории страны начинали путь к вершинам информационных технологий через всеобщую компьютеризацию (Исландия и Люксембург, Республика Корея – лидеры по Индексу развития ИКТ);
- развитые индустриальные страны с высоким научно-техническим потенциалом ставили приоритетом сначала создание Индустрии 3.0 и 4.0 (США, Германия, Япония);
- в ряде стран первым этапом построения цифровой экономики стало создание системы электронного правительства (e-Government) как надежного, доступного и прозрачного инструмента управления (Великобритания, Эстония);
- ключевым фактором создания и внедрения информационных технологий является наличие критической массы качественной рабочей силы, высококвалифицированного научно-технического персонала, IT-специалистов.

Следуя позитивному опыту передовых в развитии цифровой экономики стран, Узбекистан нацелен на развитие всех составляющих высокоразвитого информационного общества. И процесс этот идет все убыстряющимися темпами. В настоящее время усилиями Министерства по развитию информационных технологий и коммуникаций Республики Узбекистан с привлечением широкой общественности разрабатывается долгосрочная концепция развития сферы информационных технологий и коммуникаций. Концепция охватит такие направления, как телекоммуникационная инфраструктура, «Электронное правительство», информационная безопасность, инновации, почта, логистика и электронная коммерция, а также образование, подготовка и переподготовка кадров. В ближайшее время должна быть разработана «дорожная карта» по переходу республики на цифровую экономику. Важнейшими вопросами в ней должны стать широкое внедрение информационных технологий в производственные процессы, подготовка платформы для перехода к модели Industry 3.0, развитие банковской сферы на основе передовых информационных технологий, а также всеобщая компьютеризация при высокой безопасности использования информационных технологий.

Реализация поставленных правительством широкомасштабных и в то же время вполне реальных задач позволит вывести Узбекистан на передовые рубежи инновационного экономического и социального развития, углубить демократические основы общественной жизни.

[19] *https://mel.fm/novosti/8603421-issledovaniye-cherez-10-let-na-it-rynke-budet-nekhvatka-dvukh-millionovspetsialistov.*

ABSTRACTS

CONSTRUCTION OF THE DIGITAL ECONOMY: DIRECTIONS, FEATURES, PROSPECTS

The article examines the construction of the digital economy in Uzbekistan. Modern development is impossible without the introduction of information technology in all areas of the economy and society. Major achievements in science, technology are related with them, they radically change the production processes, the level of public relations, solving the most important task of creating an effective national economy.

КРЕДИТ АХБОРОТ БЮРОЛАРИ ВА УЛАРНИНГ РОЛИНИ ОШИРИШДА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Муслима Назарова, *Тошкент давлат иқтисодиёт университети «Банк иши» кафедраси катта ўқитувчиси*

Бизга маълумки, кредит бюролари – қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ташкил этилган ва кредит ахбороти алмашинувини амалга ошириш бўйича хизматлар кўрсатувчи юридик шахслардир.

Берилаётган кредитлар бўйича рискларнинг олдини олиш, камайтириш асосан кредит бюролари томонидан амалга оширилади. Кредитларни қайтариш, ундан самарали фойдаланишда айниқса кредит ахборотининг ўрни муҳим ҳисобланади. Кредит ахбороти алмашинуви, қонунда белгиланганидек, кредит бюроси, субъекти, кредит ахборотини етказиб берувчи ва ундан фойдаланувчининг кредит тарихини шакллантириш ҳамда кредит ҳисоботини тақдим этиш мақсадида кредит ахборотини йиғиш, унга ишлов бериш, уни таҳлил қилиш, сақлаш, тақдим этиш, ундан фойдаланиш ва кредит ахборотини ҳимоя қилиш борасидаги ҳамкорлигидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 июлдаги «Жаҳон банки ва халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида «Ўзбекистон Республикасининг рейтингини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 3852-сонли Қарори тегишли иловасига мувофиқ, кредит ахборот алмашинуви тизимини такомиллаштириш ва кредит бюролари фаолиятини ташкиллаштириш мақсадида республикамиз ҳудудида кредит бюролари хизматларини ривожлантириш, кредит ахборотини етказиб берувчиларни кенгайтириш, кредит бюролари ва бошқа ташкилотлар ўртасида замонавий электрон ахборот алмашинувини жорий қилиш вазифаси юклатилган.

Кредит бюролари мавжуд кредит ахбороти асосида кредит ташкилотининг ҳар бир қарздори бўйича унинг охирги 5 йил мобайнидаги статистик, таҳлилий, молиявий-иқтисодий, ижобий ва салбий мазмундаги кредит ахборотини ўз ичига олувчи кредит тарихлари бўйича кредит ахбороти маълумотлар базасини ишлаб чиқади.

Берилаётган кредитлар бўйича рискларнинг олдини олиш, камайтириш асосан кредит бюролари томонидан амалга оширилади. Кредитларни қайтариш, ундан самарали фойдаланишда айниқса кредит ахборотининг ўрни муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси 2011 йил 11 августда Қонунчилик палатаси қабул қилган ва Сенат томонидан 2011 йил 26 августда маъқулланган «Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида»ги қонуннинг моҳияти кредит ахбороти алмашинуви соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат. Ушбу қонун 2012 йилнинг 1 январидан кучга кирди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2018 йил 16 июлдаги 25/1-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида «Кредит-ахборот таҳлилий маркази» кредит бюроси МЧЖ томонидан ҳудудларда кредит ахборот алмашинуви фаол бўлмаган банклар билан биргаликда республикамиз ҳудудларида соҳага оид қонунчилик ҳужжатларини тушунтириш юзасидан ишчи гуруҳи фаолият олиб бормоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, 2018 йилнинг 14 августида Тошкент вилоятида

20 нафар, 16 августида Сирдарё вилоятида 76 нафар, 17 августида Жиззах вилоятида 80 нафар, 25 августида Қашқадарё вилоятида 20 нафар, 26 августида Сурхондарё вилоятида 36 нафар, 28 августида Наманган вилоятида 49 нафар, 29 августида Андижон вилоятида 46 нафар, 30 августида Фарғона вилоятида 27 нафардан ортиқ турли хил банклардан иштирокчилар семинарда қатнашишди ва уларга кредит бюроси, унга ахборотни юбориш тартиби, банк ва кредит бюроси ўртасида кредит ахборот алмашинуви ҳолати ҳамда бошқа қонун нормалари кенг ёритилди ва тегишли тушунтиришлар берилди[1].

«Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида»ги Қонундан кўзда тутилган асосий мақсад республикамизда кредит ахбороти алмашинуви борасидаги муносабатларни тартибга солиш ва мувофиқлаштириш борасидаги ишларни шакллантириш ва ривожлантиришдан иборат.

Юқоридаги қонунга асосан кредит бюроси — қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ташкил этилган ва кредит ахбороти алмашинувини амалга ошириш бўйича хизматлар кўрсатувчи юридик шахс.

Қонун қабул қилиниши муносабати билан «Doing Business» давлатлар рейтингида 2012 йилги кўрсаткич бўйича Ўзбекистон айнан кредит бериш соҳасида сезиларли юқори натижага эришиб, 168-ўриндан 154-ўринга, яъни 14 поғонага кўтарилган бўлса, қонуннинг амалиётга жорий этилиши муносабати билан 2013 йилги рейтингда 154-ўриндан 130-ўринга, яъни 24 поғонага кўтарилди[2].

Қонунда кўрсатилишича, кредит бюролари мавжуд кредит ахбороти асосида кредит ташкилотининг ҳар бир қарздори бўйича унинг охирги 5 йил мобайнидаги статистик, таҳлилий, молиявий-иқтисодий, ижобий ва салбий мазмундаги кредит ахборотини ўз ичига олувчи кредит тарихлари бўйича кредит ахбороти маълумотлар базасини ишлаб чиқади.

Қонун ҳужжатларида кўрсатилишича, кредит ахбороти кредит битимининг ҳолати, берилган таъминот бўйича (гаров, кафолат, кафиллик, кредитни тўламаслик хавфини суғурталаш ва таъминотнинг бошқа турлари бўйича) мажбуриятларнинг бажарилиши ҳақидаги маълумотлар, шунингдек, кредит ахбороти субъектининг кредит қобилиятини, молиявий ҳолатини, тўлов қобилиятини, тўлов интизомини ва ўзга сифатларини аниқлашга кўмаклашувчи бошқа ахборот бўлиб, улар банк сири ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирлар тоифасига киради. Жумладан:

- кредит ахбороти субъектини ва кредит ахборотини етказиб берувчини идентификациялаш имконини берувчи;
- кредит ахбороти субъектининг фуқаролик-ҳуқуқий шартномаси бўйича пул суммасини тўлаш мажбуриятлари тўғрисидаги;
- кредит ахбороти субъектига алоқадор шахслар тўғрисидаги;
- кредит битими билан боғлиқ мол-мулк тўғрисидаги маълумотлар.

Қонунда кредит алмашинуви билан боғлиқ асосий тушунчалар, кредит бюросига лицензия бериш ва давлат рўйхатига олиш тартиби, кредит бюросини қайта ташкил этиш ва тугатиш, Марказий банк ваколатлари, кредит бюроларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, кредит ахборотини етказиб берувчилар ва ундан фойдаланувчилар, кредит ахбороти субъектлари, кредит ахборотини муҳофаза қилиш, ахборотлар алмашинуви ва уларни тақдим этишдаги чекловлар, кредит ахбороти алмашинуви тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик ва низолар ечимининг механизмлари кўрсатилган бўлса-да, ушбу йўналишларни кенг ёритадиган ва кредит ахбороти алмашинуви механизмини белгилайдиган

> Кредит ахбороти алмашинуви тизими замонавий ишбилармонлик оламида молиявий инфратузилманинг энг қизиқарли ва тез суръатларда ривожланаётган унсурларидан бири ҳисобланади.

[1] *http://infokredit.uz сайти маълумотларидан олинди.*

[2] *Қ. Тошматов. Кредит ахбороти алмашинувининг эркин бозор муносабатларини ривожлантиришдаги ўрни ва аҳамияти. «Бозор, пул ва кредит» журнали. №4/2014 (203), 9-бет.*

қонуности ҳужжатлари ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Кредит ахбороти алмашинуви тизими замонавий ишбилармонлик оламида молиявий инфратузилманинг энг қизиқарли ва тез суръатларда ривожланаётган унсурларидан бири ҳисобланади.

Кредиторлар кредит бюролари тармоқлари ёрдамида алмашадиган ахборотлар ҳажми анча каттадир. Масалан, АҚШ, Бельгия, Бразилия, Буюк Британия, Япония, Германияда тақдим этилаётган ҳисоботлар миқдори аҳоли сонидан ошади. Кредит ахбороти алмашинуви бўйича фаолиятнинг муҳимлиги шу даражадаки, унинг ривожланишини рағбатлантириш дунёнинг кўпгина мамлакатларида давлат органларининг доимий назоратида туради. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давлат органига ўзининг ахборот базаси мавжуд бўлиши ниҳоятда зарурлигини кўрсатди. Сабаби, ташқи аудиторлик ташкилотларининг хулосалари, рейтинг агентликларининг баҳолари, кредит бюроларининг ахбороти муайян бизнес субъектининг ҳақиқий аҳволини доим ҳам тўғри акс эттиравермаслиги аён бўлди. Шунинг учун Кредит ахборотининг давлат реестри тимсолида иштирок этувчи давлат мувофиқлаштирувчи органининг молия-кредит муассасалаларидаги вазият тўғрисида тезкор ва ҳаққоний ахборотга эга бўлиши ўта муҳимдир.

Кредит бюроларининг кўплигига қарамай, ахборот хизматларини тақдим этиш соҳасида капиталнинг жамланиш даражаси анча юқори, масалан, АҚШ, Буюк Британия ва Японияда ахборотнинг барча мажмуасини тақдим этувчи икки-учта йирик кредит бюроси устун мавқега эга. Баъзи мамлакатларда, мисол учун Бразилия, Финляндия ва Ирландияда фақат битта шундай универсал кредит бюроси фаолият кўрсатади. Бошқалари алоҳида турдаги ахборотларни тақдим этган ҳолда асосан бозорнинг кичик бўшлиқларини эгаллайди. Бу йирик компания ўз маълумотлар базасида максимал ҳажмдаги ишончли ва тўлиқ ахборотни жамлаши, шунингдек, ўз фаолиятида энг илғор ахборот технологияларидан фойдалана олиши мумкинлиги билан изоҳланади.

> Мексикада кредит бюролари хусусий бўлиб, Марказий банк ва давлат уларнинг устав капиталида иштирок этмайди, қарздорлар тўғрисидаги барча кредит ахборотини улардан ҳақ эвазига олади.

Айрим мамлакатларда, масалан, Австрия, Аргентина, Бельгия, Испания ва бошқаларда кредит ахбороти алмашинувининг икки босқичли тизими амал қилади, яъни керакли кредит ахборотини кредит бюролари ҳам, Кредит ахбороти давлат реестри ҳам тақдим эта олади. Мексикада кредит бюролари хусусий бўлиб, Марказий банк ва давлат уларнинг устав капиталида иштирок этмайди, қарздорлар тўғрисидаги барча кредит ахборотини улардан ҳақ эвазига олади.

Германияда барча кредит институтлари мижозлар тўғрисидаги маълумотларни банклар хусусий мижозларнинг кредит тарихи ҳисобини юритиш учун ташкил этган «Кредит операциялари хавфсизлигини таъминлаш бўйича жамият»га жўнатади. Ахборотни йиғишга ёндашув ҳам турличадир. Масалан, Бразилияда кредит бюролари фақат салбий ахборотни тақдим этади (фаолият кўрсатаётган барча КБларининг 32%и), бошқалари ҳам салбий, ҳам ижобий ахборотни тақдим этади (68%). Ҳозирги пайтда 70дан ортиқ мамлакатда Кредит ахбороти давлат реестрлари (КАДР) ишламоқда, лекин 40та давлатда давлат реестри фаолият кўрсатиб, уларда кредит бюролари мавжуд эмас. Масалан, Хитой ва Францияда фақат КАДР тузилган. Бинобарин, Францияда қонунчилик Франция Марказий банкининг бўлинмаларидан бири бўлган ва давлат назорати остида турган Марказий хатарлар бюросига ахборотни мажбурий тарзда тақдим этишни назарда тутади.

Буюк Британияда иккита хусусий кредит агентлиги бўлиб, улар қарздорларнинг кредит тарихи бўйича маълумотлар базасини шакллантириш билан шуғулланади.

Яна бир аҳамиятли далил: Европада 2003 йилда «Ҳисобот ташкилотларига топшириш мақсадида Марказий кредит реестрлари ўртасида ахборот алмашинуви масалаларида ўзаро англашув тўғрисидаги меморандум»ни Австрия, Бельгия, Франция, Германия, Италия, Португалия ва Испания имзо-

лади. 2010 йилда Меморандум Руминия ва Чехия Республикаси томонидан имзоланди[3].

Ўзаро англашув, маълумотларни олиш, воситачилар орасида тарқатиш, назорат мақсадларида фойдаланиш ушбу ҳужжатнинг принциплари ҳисобланади. Амалда бу кредит ахборотининг давлатлараро алмашинуви тўғрисида дунёдаги биринчи ҳужжатдир.

МДҲ мамлакатларига келсак, бу ерда қарздор ҳақида ҳам ижобий, ҳам салбий ахборот қабул қилинади ва берилади. Россия Федерацияси, Қозоғистон, Украина, Молдова, Беларусь Республикаси ва Тожикистонда кредит ахбороти алмашинувини тартибга солувчи қонунлар қабул қилинган, бошқа давлатларда мазкур соҳадаги қонун ҳужжатлари ишлаб чиқиляпти. Белоруссияда Миллий банк ҳузурида кредит бюроси фаолият кўрсатмоқда. Бизнинг мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Кредит ахбороти миллий институти ва Банкларо кредит бюроси ташкил этилган.

Таҳлилчилар кредит ахбороти алмашинувининг келгусидаги ривожланиш суръатлари юқорилигини таъкидлашмоқда: кредит бюроларининг икки баравар кўпайиши айнан XXI асрга тўғри келади, 1974 йилдан 2011 йилгача кредит бюролари сони олти баравардан кўпга ошган[4].

Кредит бюролари фаолияти доирасининг кенгайиш жараёни ва уларнинг халқаро даражага чиқиши 1990 йил бошларига тўғри келади. Ушбу бизнеснинг йирик намояндалари трансмиллий компаниялар даражасигача кўтарилишни мақсад қилиб қўйишган. Лотин Америкаси, Европа ва Осиёнинг бир қатор мамлакатларида назорат ўрнатиш ёки миллий кредит бюроларини сотиб олиш бу йўлдаги илк қадамлар бўлди.

Компания ва корхоналарни кредитлаш жабҳасида кредит бюролари алоҳида фаоллик кўрсатади. Бюролар томонидан тўпланадиган, ҳам кредиторлар, ҳам компанияларнинг ўзидан олинадиган кўпгина маълумотлардан иборат ахборот ҳажми нафақат бўлғуси қарздорнинг фаолияти, молиявий ҳолатини, балки унинг бошқа кредиторлари, акциядорлари ва менежерлари ҳақидаги маълумотларни ҳам ўз ичига олади.

Кредит операциялари тўғрисидаги стандарт ҳисоботлар ва статистик риск-менежментни тақдим этишдан ташқари, кредит бюролари рейтинг агентликларининг вазифаларини ҳам бажаради. Dan&Bradstreet дунёдаги энг йирик ва қадимги кредит агентликларидан бўлиб, унинг маълумотлар базасида 48 млн. дан ортиқ компания ҳақидаги ахборот жамланган, бу компанияларнинг 10 млн.и АҚШда жойлашган. Кўпгина мамлакатларда хусусий кредит бюроларидан ташқари ёки улар ўрнида кредитларни давлат рўйхатидан ўтказувчи институт – Public credit registers (PCR) ишлайди. Бу ташкилот тарихан ипотека кредитлари битимлари ва кўчмас мулк закалатини рўйхатдан ўтказиш учун ташкил этилган эди, лекин ҳозирги пайтда ушбу институт бир қатор мамлакатларда кредит бюроси вазифасини бажармоқда. Ундаги барча ахборот стандартлаштирилган (масалан, муайян вақт оралиғида берилган, белгиланган ҳажмдан юқори даражадаги кредитлар) ҳамда маълумотлар асосан қарздорнинг ўзи ҳақида эмас, кредитлар ҳақидадир.

2013 йил 13 май куни Жаҳон банки гуруҳи аъзоси – Халқаро молия корпорацияси (IFC) ва «Кредит ахбороти-таҳлил маркази» кредит бюросига хорижий стратегик техник ҳамкорларни жалб қилиш юзаси-

Бюролар томонидан тўпланадиган, ҳам кредиторлар, ҳам компанияларнинг ўзидан олинадиган кўпгина маълумотлардан иборат ахборот ҳажми нафақат бўлғуси қарздорнинг фаолияти, молиявий ҳолатини, балки унинг бошқа кредиторлари, акциядорлари ва менежерлари ҳақидаги маълумотларни ҳам ўз ичига олади.

[3] *Кредит ахбороти алмашинувининг жаҳон тизими. «Бозор, пул ва кредит» журнали. №4/2014 (203) 7-бет. (Хорижий матбуот материаллари асосида тайёрланган манбадан олинган).*

[4] *Кредит ахбороти алмашинувининг жаҳон тизими. «Бозор, пул ва кредит» журнали. №4/2014 (203) 7-бет. (Хорижий матбуот материаллари асосида тайёрланган манбадан олинган).*

> Бугунги кунда дунё банк амалиётида кредит ташкилотлари ва банклар томонидан қарз олувчилар, уларнинг молиявий интизоми ва фаолияти тўғрисида имкон қадар кўпроқ ахборот олиш долзарб аҳамиятга эга бўлиб бормоқда.

дан маслаҳат кўрсатиш бўйича битим имзоланди. Ушбу битимга «Кредит ахборот-таҳлил маркази» кредит бюроси фаолиятида илғор халқаро тажриба ва бизнес юритишнинг замонавий услубларини қўллаган ҳолда унинг истиқболдаги самарадорлигини ошириш мақсадида эришилди. У Халқаро молия корпорацияси кўмагида ўтказиладиган танлов орқали хорижий стратегик ҳамкорни танлашни кўзда тутади. Хусусан, ХМК танлов давомида объектив маълумотларни тақдим қилиши ва ўз тажрибаси билан ўртоқлашиши ҳамда хорижий стратегик техник ҳамкорни танлашда керакли қарор қабул қилиш юзасидан «ҳалол брокер» вазифасини бажариши белгиланган.

Танлов асосида саралаган хорижий стратегик техник ҳамкор Ўзбекистонда кредит ахбороти алмашинуви тизими ривожи учун тажрибаси билан ўртоқлашиш ва ўз маблағларини инвестициялашдан манфаатдор бўлган етакчи хорижий кредит бюроларидан бири бўлиши талаб этилади.

Хорижий стратегик техник ҳамкор билан йўлга қўйиладиган ҳамкорлик мамлакатимизда янгидан яратилаётган кредит ахборот алмашинуви тизими самарадорлиги ва имкониятларини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Кредит бюроси фаолияти янада жонланиб, натижада тақдим этилаётган кредитлар ҳажми ва миқдорининг ошишига ҳамда муаммоли кредитлар даражасининг пасайишига эришилади.

Шуни қайд этиш зарурки, халқаро ташкилотларнинг кредит ахбороти алмашинуви тизимини шакллантириш ва ундан самарали фойдаланишга бўлган эътибори ҳар қандай мамлакат рейтингида муҳим кўрсаткич ҳисобланади. Бинобарин, кредит ҳар икки томон – ҳам банк, ҳам қарз олувчи манфаатларига хизмат қилади, шунинг учун уни тақдим этиш ва ундан фойдаланиш жараёни бутун дунёда кенг тарқалмоқда. Шу туфайли бугунги кунда дунё банк амалиётида кредит ташкилотлари ва банклар томонидан қарз олувчилар, уларнинг молиявий интизоми ва фаолияти тўғрисида имкон қадар кўпроқ ахборот олиш долзарб аҳамиятга эга бўлиб бормоқда.

Кредит бюролари банклардаги кредит тарихига эга бўлганлиги сабабли кредит қайтмаслиги муаммосининг олдини олишга асосланади. Фаолият олиб бораётган тижорат банклари мижознинг кредит тарихини яхши билсагина, кредит бўйича юзага келувчи хавф-хатарнинг олди олинади. Умуман олганда, кредит бюроларининг мавжуд бўлиши, уларнинг фаолияти қонун даражасида самарали ташкил этилиши банклар учун жуда яхши натижаларга олиб келиши мумкин. Айниқса, республикамизда энди ривожланиб келаётган кредит бюролари фаолиятини янада такомиллаштиришда хориж тажрибасидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйламиз.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, республикамизда кредит ахбороти бюролари фаолиятини талаб даражасида ташкил этиш ва уларнинг ролини ошириш учун ривожланган хорижий давлатларда шу соҳада тўпланган ижобий тажрибадан унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

ABSTRACTS

THE APPLICATION OF FOREIGN EXPERIENCE IN INCREASING THE ROLE OF CREDIT BUREAU

The article examines the application of foreign experience in increasing the role of credit bureau in Uzbekistan. The prevention and reduction of risks associated with loans, mainly carried out by credit bureaus. The importance of credit information is crucial in repaying loans and using them efficiently. Sharing of credit information means creating a credit bureau, the provider of credit information and credit history as defined by law.

ИМПОРТ ТОВАРЛАРИ УЧУН БОЖ СТАВКАЛАРИ ПАСАЙТИРИЛДИ. НАВБАТДА ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИ БЎЙИЧА ИСЛОҲОТЛАР КУТИЛМОҚДА

Зокиржон Маккамов, *Божхона институти «Божхона тартибга солиниши ва божхона тўловлари» кафедраси катта ўқитувчиси*

Мамлакатда солиқ ва божхона тўловларини тўғри белгилаш ҳар доим ҳам долзарб ва мураккаб масалалардан бири бўлган. Айниқса, божхона тўловларини белгилашда протекционизм ва эркин савдо сиёсатини эътиборга олиш, ички ишлаб чиқарувчиларни носоғлом рақобатдан ҳимоя қилиш, товар истеъмол қилувчилар ҳуқуқларини поймол этмаслик, товарларнинг контрабанда йўли билан олиб кирилиши ёки олиб чиқилишига йўл қўймаслик ва, ниҳоят, республика бюджетининг даромад қисмини тўлдириш билан боғлиқ бўлган омилларни қўллай билиш зарур.

Ҳар бир давлат ўзининг протекционизм ёки эркин савдо сиёсатини ташқи иқтисодий фаолиятнинг ўзгарувчанлигини ҳисобга олган ҳолда доимий равишда мослаштириб бориши тақозо этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида машҳур хитой файласуфи Сунь Цзи «Солиқларни ҳаддан зиёд кучайтириш турли талон-торожликни келтириб чиқаради, душманларнинг бойишига хизмат қилади, оқибатда давлат инқирозга учрайди» деган ҳикматли гапларига алохида урғу бериб ўтди[1].

Ўзбекистон Республикасини 2017–2021 йилларда ривожлантириш Ҳаракатлар стратегияси доирасида божхона органларида расмийлаштирув жараёнлари соддалаштирилиши билан бир қаторда божхона тўловлари йиғилувчанлигини ошириш бўйича ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2018 йилда жами 11,5 трлн. (2017 йилда 7,6 трлн.) сўмлик божхона тўловлари ундирилган бўлса, тадбиркорлик субъектларига божхона тўловларидан 46,5 трлн. (2017 йилда 22,8 трлн.) сўмлик имтиёзлар берилди. Бу ўз навбатида рақобатбардош, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда ушбу жараёнга замонавий техника ва технологияларни татбиқ этишга хизмат қилмоқда[2].

> Ҳар бир давлат ўзининг протекционизм ёки эркин савдо сиёсатини ташқи иқтисодий фаолиятнинг ўзгарувчанлигини ҳисобга олган ҳолда доимий равишда мослаштириб бориши тақозо этилади.

Қуйида келтирилган расмдан охирги йилларда божхона тўловларидан берилган имтиёзлар жами ҳисобланган божхона тўловларининг 75%дан ортиқроқ қисмини ташкил этаёт-

[1] *Хақл сўзи. 2018 йил 8 декабрь, 253-сон.*

[2] *Давлат божхона қўмитаси фаолиятига оид асосий кўрсаткичлар ва статистик маълумотлар (2018 йил 11 ойлик якунлари бўйича). ЎР ДБҚ расмий веб-сайти: http://customs.uz/uz/lists/view/134.*

1-диаграмма

Ундирилган божхона тўловлари ҳамда берилган имтиёзлар миқдори



Манба: *Давлат божхона қўмитасининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.*

ганини кўришимиз мумкин (1-диаграмма).

Маҳаллий ишлаб чиқариш учун зарур хорижий ускуналар ва бутловчи буюмлар, хомашё ва материалларни олиб кириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, ички ва ташқи бозорларда рақобатдош юқори сифатли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, аҳолининг истеъмол товарларига бўлган эҳтиёжини қаноатлантириш ҳамда ички бозордаги нархнавонинг ошиб кетишига йўл қўймаслик мақсадида 2017 йил 29 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси ташқи иктисодий фаолиятини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-3303-сон қарори қабул қилиниб, унга мувофиқ 2017 йил 1 октябрдан бошлаб республикамизга импорт қилинадиган товарлар учун белгиланган импорт божхона божи ставкалари сезиларли даражада камайтирилди. Жумладан, 10 мингдан ортиқ товар позицияси бўйича божхона божи ставкалари пасайтирилиб, шундан 6 200дан ортиқ товар позицияси учун божхона божи «0» ставка миқдорида белгиланди. Натижада амалдаги импорт божларининг ўртача арифметик ставкаси 2,5 баробарга камайди[3].

> 10 мингдан ортиқ товар позицияси бўйича божхона божи ставкалари пасайтирилиб, шундан 6 200дан ортиқ товар позицияси учун божхона божи «0» ставка миқдорида белгиланди. Натижада амалдаги импорт божларининг ўртача арифметик ставкаси 2,5 баробарга камайди.

Ислоҳотларнинг узвий давоми сифатида 2018 йил 12 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-5414-сон Фармони қабул қилиниб, унга кўра божхона органларига қуйидаги топшириқлар берилди:

- импорт қилинаётган истеъмол товарларига божхона тўловларининг аралаш ставкаларини бекор қилиш юзасидан таклифлар тайёрлаш;
- божхона тўловларидан имтиёзларнинг тақдим этилиши назарда тутилган амалдаги норматив-ҳуқуқий хужжатларни инвентаризациядан ўтказиш;
- амалдаги божхона йиғимлари ставкаларини оптималлаштириш.

Натижада 2018 йил 29 июнда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолиятини янада тартибга солиш ҳамда божхона-тариф жиҳатдан тартибга

[3] *Протекционизмдан эркин савдо сиёсатига ўтилиши мамлакат экспорт салоҳиятининг ошишига ҳисса қўшади. З. Маккамов. «Бозор, пул ва кредит» журнали. 2018 йил, 3-сон.*

солиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-3818-сон қарори қабул қилинди ва мавжуд жами 11 259та товар позициясининг 8166таси бўйича божхона божи «0» ставка миқдорида белгиланди[4].

Мисол тариқасида, олма, нок ва беҳи учун белгиланган «30%, лекин 1 кг. учун 0,5 АҚШ долларидан кам бўлмаган» ставка «10%»га, от гўшти учун белгиланган «10%» ставка «0%»га, пластмасса қувурлар, шланглар ва уларнинг қисмлари учун белгиланган «20%, лекин 1 кг. учун 0,6 АҚШ долларидан кам бўлмаган» ставка «10%»га, соқол олишда ва ундан кейин фойдаланиладиган воситалари 15%, лекин 1 кг. учун 0,5 АҚШ долларидан кам бўлмаган» ставка 5%га пасайганлигини қайд этиш мумкин.

Юқоридаги қарор билан амалга оширилган ўзгаришларни Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият товарлар наменклатураси (ТИФ ТН) бўйича тўлиқ таҳлил қилганимизда, ТИФ ТНнинг II қисмида келтирилган «Ўсимликлардан тайёрланган маҳсулотлар» учун амалдаги 0%дан 30%гача бўлган бож ставкаси 0%дан 15%гача, XV қисмида келтирилган «Қимматбаҳо бўлмаган темир ва ундан тайёрланган маҳсулотлар» учун амалдаги 5%дан 30%гача бўлган ставкалар 0%дан 10%гача пасайтирилганлигини кўришимиз мумкин (1-жадвал).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев иштирокида 2018 йил 20 декабрь куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида келгусида мамлакатимизда солиқ соҳасида ислоҳотлар яна давом этиши, жумладан, асосий солиқ турларидан бири бўлган қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) ставкаси ҳам қайта кўриб чиқилаётганлиги таъкидланди.

1-жадвал

Импорт божхона божи ставкасидаги айрим ўзгаришларнинг ТИФ ТН* бўлимлари кесимида таҳлили

Бўлим		Ставка (энг паст-энг юқори)	
№	Номи	ПҚ-3303, 29.09.2017 й.	ПҚ-3818, 29.06.2018 й.
I	Тирик ҳайвонлар, тирик ҳайвонлардан олинадиган маҳсулотлар.	0-30%	0-15%
II	Ўсимликлардан олинадиган маҳсулотлар.	0-30%, лекин донасига 1,5 АҚШ долл.дан кам эмас	0-15%
III	Ёғлар, ўсимлик ёки ҳайвонлардан олинган ёғлар ва уларнинг ажралишидан олинган маҳсулотлар, тайёр озиқ-овқат ёғлари, ҳайвон ёғи ёки ўсимликларнинг маҳсулотлари.	0-10%, лекин 1 кг.га 0,2 АҚШ долл.дан кам эмас	0-5% лекин 1 кг.га 0,1 АҚШ долл.дан кам эмас
V- VII	Минерал маҳсулотлар Кимё саноати ва у билан боғлиқ саноат тармоқлари маҳсулотлари. Пластмасса ва ундан тайёрланган буюмлар, каучук ва резинадан тайёрланган маҳсулотлар.	0-30%	0-20%
IX	«Ёғоч-тахта ва ундан ясалган буюмлар, похолдан ясалган буюмлар, саватлар ва чивиқдан ясалган бошқа буюмлар.	0-15%	0-10%
XII	Пойабзал, бош кийим, соябонлар, қуёшдан ҳимоя қилувчи соябон, от аравага қўшиладиган анжомлар ва унинг қисмлари; ишлов берилган парранда патлари ва ундан ясалган буюмлар, сунъий гуллар ва инсон сочидан тайёрланган маҳсулотлар.	0-15%, лекин 1 кг.га 1,5 АҚШ долл.дан кам эмас	0-10% лекин 1 кг.га 1,5 АҚШ долл.дан кам эмас
XIV	Табиий ёки ўстирилган жемчуг, қимматбаҳо ёки ярим қимматбаҳо тошлар, қора ва рангли металлар, усти қимматбаҳо металлар билан қопланган ва улардан тайёрланган буюмлар, бижутериялар, тангалар.	0-30%, лекин 1 кг.га 3 АҚШ долл. дан кам эмас	0 (истисно: бижутерия ва тангалар – 20%)
XX	Ҳар хил саноат маҳсулотлари.	0-20%	0-15%, лекин 1 кг.га 0,4 АҚШ долл. дан кам эмас
XXI	Санъат асарлари, коллекция ва антиквариат предметлари.	15-30%	0%

** Ўзбекистон Республикасининг ТИФ ТН. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг расмий веб-сайти. https://mft.uz/ru/menu/tiftn-kodlari.*

Манба: *Муаллиф томонидан тузилган.*

[4] *Ўзбекистон-24 / Халқаро пресс-клуб. «Божхона: ислоҳотларнинг янги давридаги муҳим вазифалар».*

2-диаграмма

2018 йилда ундирилган божхона тўловларининг таркиби (фоизда)



Манба: *Давлат божхона қўмитасининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.*

Шу боис бугунги кунда ҚҚСнинг божхона тўловларида тутган ўрни ҳамда ушбу солиқ турини қўллаш бўйича хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш муҳим масалалардан бўлиб қолмоқда.

2018 йилда божхона органлари томонидан давлат бюджетига ўтказилган жами божхона тўловлари таркибида ҚҚС улуши 74,6 фоизни, импорт божхона божи 16,3 фоизни, акциз солиғи 4,9 фоизни ва бошқа тўловлар 4,2 фоизни ташкил этди (2-диаграмма).

Сўнгги вақтда импорт товарлари учун божхона божи ва акциз солиғи ставкалари сезиларли даражада камайганлиги натижасида келгусида ҚҚСнинг божхона тўловлари таркибидаги салмоғи янада ортиши эҳтимоли юзага келмоқда. Бу эса келгусида импорт товарлари учун ҚҚС ставкаси қайта кўриб чиқилиши долзарб масала эканлигидан далолат беради. Бугунги кунда мамлакатимизга олиб кириладиган импорт товарлари учун ҚҚС 20 фоиз ставкаси миқдорида белгиланган бўлиб, айрим (дори воситалари, технологик асбоб-ускуналар, ёғоч ва ёғоч-тахта материаллари, инсонпарварлик, хайрия ёрдами мақсадида олиб кирилаётган ва бошқа) импорт товарлари ушбу солиқ туридан озод қилинган[5].

Қуйида айрим хорижий мамлакатларнинг бу йўналишдаги тажрибалари келтирилган (2-жадвал).

Юқоридаги жадвалдан кўплаб давлатларда ҚҚС, жумладан, табақалашган ставкаларда ҳам қўлланилаётганлигини кўришимиз мумкин. Мисол учун, Швецияда ҚҚСнинг энг юқори ставкаси 25% бўлиб, озиқ-овқат ва турли хилдаги озуқа қўшимчаларига 12%, босма маҳсулотлар (китоб, газета) учун 6%ли ставкалар белгиланган. Францияда энг юқори ставка 22% бўлиб, у тамаки ва алкоголь маҳсулотлари ҳамда автомобиллар учун белгиланган. Пасайтирилган ставкалар 5,5% ва 2,2% бўлиб, улар китоб, аҳоли учун энг зарур бўлган алоҳида турдаги товарлар ва дори-дармонлар учун белгиланган.

Россия Федерациясида ҳам имтиёзли ставкалар мавжуд бўлиб, жумладан, айрим турдаги истеъмол товарлари, болалар учун мўлжалланган товарлар, китоблар ва медицина буюмлари учун 10%ли ставкада қўшилган қиймат солиғи белгиланган.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, жуда кўп ҳол-

Сўнгги вақтда импорт товарлари учун божхона божи ва акциз солиғи ставкалари сезиларли даражада камайганлиги натижасида келгусида ҚҚСнинг божхона тўловлари таркибидаги салмоғи янада ортиши эҳтимоли юзага келмоқда.

[5] *Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. 211-модда.*

2-жадвал

Қўшилган қиймат солиғи бўйича хорижий давлатларда белгиланган ставкалар

Давлатлар	Умумий ставка	Айрим турдаги товарлар учун пасайтирилган ставкалар
Венгрия	27%	5%
Швеция	25%	12%, 6% ёки 0%
Бельгия	21%	12% ёки 6%
Австрия	20%	12% ёки 10%
Франция	20%	10%, 5,5% ёки 2,1%
Германия	19%	7%
Россия	18%	10%
Люксембург	17%	14%, 8% ёки 3%
ХХР	17%	2%, 3%, 4%, 6% ёки 13%
Қозоғистон	12%	–
Қирғизистон	12%	0%
Швейцария	8%	3,8% ёки 2,5%
Сингапур	5%	–

Манба:

1) Налог на добавленную стоимость – НДС в Германии, 2018 год. //www.investingberlin.com/nalogi_v_germanii/nds_v_germanii/.

2) Налог на добавленную стоимость. https://ru.wikipedia.org/wiki/Налог_на_добавленную_стоимость#Россия_2.

ларда импорт қилинаётган товар турлари мамлакатда ҳам ишлаб чиқарилиши туфайли, улар ўртасида ўзаро рақобат вужудга келади. Бундай товарларга божхона тўловларини белгилашда дунё бозори билан ички бозордаги сарф-харажатлар ва нархлар орасидаги тафовут ҳисобга олиниши керак. Товар гуруҳлари ва маҳсулот турлари сарф-харажатлари ва нархлари орасидаги фарқ катта бўлиши мумкин бўлганлиги сабабли, уларга нисбатан белгиланадиган божхона тўловлари ставкалари ҳам ҳар хил бўлмоғи лозим.

Юқоридагиларни хисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ПФ-4947-сон Фармонидаги Ўзбекистонда ишлаб чиқарилмаётган ёки ишлаб чиқариш ҳажми етарли бўлмаган товарларга божхона тўловлари миқдорини камайтириш топшириғи юзасидан импорт божхона божи ҳамда акциз солиғи бўйича амалга оширилган ислоҳотларнинг давоми сифатида ҚҚС ставкасини халқ истеъмоли учун зарур маҳсулотларга 0-12% миқдорида табақалашган ставкалар тартибида белгилаш мақсадга мувофиқ бўлади, деб ҳисоблаймиз.

Амалга оширилган ўзгаришлар Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш, ҳамкор давлатлар билан ҳар томонлама тенг ва манфаатли савдо-иқтисодий алоқаларни олиб бориш, ички бозорни аҳоли учун зарур бўлган сифатли истеъмол товарлари билан таъминлаш ҳамда хорижий мамлакатларнинг етакчи ишлаб чиқарувчилари билан маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ўртасида соғлом рақобат муҳитини яратиш орқали мамлакатнинг экспорт салоҳиятини оширишга хизмат қилади.

ABSTRACTS

THE IMPORT DUTIES ARE REDUCED. NOW, THE REFORM OF VAT IS EXPECTED

The article is devoted to reform in the custom and tax sector of Uzbekistan. Tax and customs fees was one of the most complex issues. In particular, it is important to consider protectionism and free trade policies when determining customs payments in order to protect domestic producers from unhealthy competition, violation of consumer rights, goods smuggling.

БЮДЖЕТ ДАРОМАДЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА СОЛИҚҚА ТОРТИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИНГ ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

Ажинияз Мусагалиев, *и.ф.н., доцент,*
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими,
Қорақалпоқ Табиий фанлар илмий тадқиқот институти

Солиққа тортиш механизмлари иқтисодиётнинг муҳим воситаси бўлгани учун ғарбдаги ривожланган мамлакатларда хўжаликларни бошқаришда улардан фойдаланиш тажрибаси биз учун қизиқарлидир. Янги солиқлар жорий этиб, олдинги солиқ ва йиғимларни бекор қилиб, ставкаларини ошириб ёки пасайтириб, бошқа воситалардан фойдаланиб давлат фақат ўз миллий бюджетини шакллантирмайди, балки жамиятда тегишли ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ҳал қилади, ахлоқий ва сиёсий вазиятни яхшилайди, фуқароларнинг меҳнат фаоллигини рағбатлантирувчи муҳит яратади. Шу маънода, солиқ механизмлари мамлакатнинг фаровонликка эришиши учун замин ёки бу йўлда унга тўсиқ хизматини ўташи мумкин. Солиққа тортиш механизмларини такомиллаштиришда хорижий мамлакатлар тажрибаларини ўрганиш, самарали тартибларни аниқлаш ва амалиётга жорий этиш ўринли бўлади.

Хорижий мамлакатлар солиққа тортиш амалиётида қатор ижобий тажрибалар тўпланган. Уларда солиқ сиёсатининг тизимли ва изчил амалга оширилиши давлат бюджети даромадларининг бир меъёрда барқарор ўсишини, маблағларнинг эса мақсадга мувофиқ сарфланишини таъминлайди. Зеро, ҳар қандай давлатда ҳам солиқ механизмларининг ўзига хос илғор томонлари билан бирга камчиликлари ҳам бўлади.

Жаҳон мамлакатларида солиқ тизими турли шароитларда шаклланган. XX аср ўрталарида солиқ тизими ривожланишида урушдан сўнгги ислоҳотлар билан боғлиқ бўлган умумий қонуниятлар пайдо бўла бошлаган. Юқори даражадаги давлат харажатлари ўша вақтларда табиий суръатда катта ҳажмдаги солиқларни юзага келтирган. Европа мамлакатларида ҳам солиқ солишнинг жуда мураккаб ва кўп қиррали тизимлари амалда қўлланилган бўлиб, солиқларнинг иқтисодий аҳамияти

Жаҳон мамлакатларида солиқ тизими турли шароитларда шаклланган. XX аср ўрталарида солиқ тизими ривожланишида урушдан сўнгги ислоҳотлар билан боғлиқ бўлган умумий қонуниятлар пайдо бўла бошлаган.

турли мамлакатларда турлича бўлган.

Ривожланган мамлакатларда солиқ тизими кўпгина умумий хусусиятлари ва белгилари билан ажралиб туради. Уларнинг умумий белгиларига тўхталиб ўтсак:

◆ ривожланган қонунчилик базасининг мавжудлиги, вужудга келадиган мунозаралар, вазифалар ҳамда турли хил масалаларни ҳал этишнинг ҳуқуқий ва иқтисодий воситалари, механизмлари ва усуллари;

◆ солиқ органлари ташкил этилишининг юксак даражаси: замонавий техника ва алоқа воситалари билан таъминланганлиги, юқори маош, жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқа ўрнатилганлиги;

◆ солиқ идораларининг солиқ тўловчилар олдида ишончга ва обрўга эга эканлиги;

◆ вазирликлар ва идоралар вазифаларининг аниқ чегаралаб қўйилганлиги ва улар ичида бир-бирини такрорлаш ҳолатларининг йўқлиги;

◆ ҳукуматнинг вакили бўлган ва унинг номидан иш олиб борадиган солиқ агентининг катта аҳамиятга эга эканлиги;

◆ кадрларни таҳлил этиш, ўрганиш, олдиндан белгилаш, ўқитиш, солиқ тўловчилар билан алоқалар бўйича институтларнинг мавжудлиги;

◆ солиқ идораларининг ахборот алмашиниш соҳасида молия органлари ва банк

1-жадвал

«Doing Business» рейтингида дунё мамлакатларида бизнесни юритишдаги солиққа тортиш жараёнлари бўйича кўрсаткичлар натижалари

№	Дунё мамлакатлари	Умумий рейтинг	Солиқ ундириш рейтинги	Тўловлар (йилига сони)	Соат вақти (йилига)	Умумий солиқлар ставкаси (фойдадан фоиз)	Ҳисобот топшириб солиқлар тўлангандан кейинги процедуралар индекси (0-100)
1	АҚШ	84,13	36	10,6	175	43,8	94,04
2	Арманистон	72,49	87	14	313	18,5	49,08
3	Белоруссия	70,81	96	7	184	52,9	50
4	Бельгия	77,69	59	11	136	57,1	83,45
5	Буюк Британия	86,7	23	8	110	30,7	71
6	БАА	99,44	1	4	12	15,9	
7	Германия	82,14	41	9	218	48,9	97,67
8	Грузия	87,14	22	5	269	16,4	85,89
9	Жанубий Корея	86,69	24	12	188	33,1	93,04
10	Испания	84,44	34	9	152	46,9	93,6
11	Канада	88,05	16	8	131	20,9	73,23
12	Қувайт	92,48	6	12	98	13	
13	Қатар	99,44	1	4	41	11,3	
14	Қозоғистон	79,47	50	7	178	29,2	48,85
15	Қирғизистон	56,55	151	51	225	29	37,38
16	Латвия	89,79	13	7	168,5	35,9	98,11
17	Литва	87,81	18	11	109,3	42,7	97,52
18	Молдова	84,55	32	10	181	40,5	90,79
19	Норвегия	85,18	28	4	83	37,5	63,69
20	Озарбайжон	84,21	35	6	195	39,8	83,79
21	Россия	79,29	52	7	168	47,5	73,14
22	Тожикистон	62,27	132	6	224	65,2	40,4
23	Украина	80,77	43	5	327,5	37,8	85,95
24	Ўзбекистон	74,78	78	10	181	38,3	48,39
25	Франция	78,55	54	9	139	62,2	92,4
26	Хитой	62,9	130	9	207	67,3	49,08
27	Эстония	89,56	14	8	50	48,7	99,38
28	Япония	76,71	68	14	151	47,4	71,69

Манба: *http://www.doingbusiness.org/rankings.*

> «Doing Business» рейтингида бизнесни юритишда солиққа тортиш жараёнларидаги процедуралар бўйича рейтинги аниқланадиган 190та мамлакат орасида 2018 йилда Ўзбекистон солиқ тизимининг умумий рейтинги бўйича 74-ўринни эгаллаган.

тизими билан чамбарчас боғлиқлиги;

◆ солиққа тортиш тизимини ташкил қилиш, ривожлантириш назарияси ва амалиёти юқори даражада ўзаро боғлиқлиги, қабул қилинадиган қарорларнинг илмий асосланганлиги кабилар.

Хўш, бугунги кунга келиб Ўзбекистон солиқ тизимининг халқаро миқёсдаги нуфузи қандай, деган савол туғилиши табиий. Ушбу саволга жавоб юзасидан, Жаҳон банки қошидаги Халқаро молия корпорацияси томонидан ҳар йили жорий қилиниб келинаётган расмий ҳисоботларга мурожат қиламиз (1-жадвал).

«Doing Business» рейтингида бизнесни юритишда солиққа тортиш жараёнларидаги процедуралар бўйича рейтинги аниқланадиган 190та мамлакат орасида 2018 йилда Ўзбекистон солиқ тизимининг умумий рейтинги бўйича 74-ўринни эгаллаган. Ваҳоланки, бу кўрсаткич бўйича мамлакатимиз 2017 йилда 87-ўринда эди, яъни ўтган йилга нисбатан 13 позицияга кўтарилган.

Хусусан, 1-жадвал маълумотларида солиққа тортиш жараёнига оид кўрсаткичлар бўйича 2018 йилда Ўзбекистон солиқ ундириш рейтинги бўйича 78-ўринни эгаллади, тўловлар сони (йилига) 10тани ташкил этади, соат вақти (йилига) 181 соат, умумий солиқлар ставкаси эса 38,3 фоиз ва, шунингдек, ҳисобот топшириб солиқлар тўланганидан кейинги таомиллар бўйича индекс 48,39ни ташкил этади. Мазкур рейтинг кўрсаткичларидаги ижобий томонга ўзгариш тенденцияси мавжудлиги қувонарли. Сабаби, дунёнинг ривожланган АҚШ, Канада, Буюк Британия, Бельгия каби мамлакатларининг умумий рейтинг кўрсаткичлари Ўзбекистонникига нисбатан паст эканини кўрамиз. Аммо, шунга қарамай, ҳар қандай давлат солиқ тизимининг ижобий томонлари мавжуд бўлиб, уларни мамлакатимизда қўллаш мумкин.

Таъкидлаш ўринлики, жаҳон мамлакатлари солиқ амалиётида давлат бюджети даромадлари таркибида бевосита ва билвосита солиқлар нисбатига қараб у ёки бу мамлакат иқтисодиётининг ривожланганлик даражасига баҳо бериш мумкин. Жаҳон тажрибасида солиқ тизимининг базис моделлари мавжуд: англо-саксон модели; евроконтиненталь модели; Лотин америкаси модели ва аралаш моделлар (2-жадвал).

Англо-саксон моделида солиққа тортиш асосан тўғри солиқларга йўналтирилган, яъни солиқ юки асосан жисмоний шахслар тоифасига мансуб солиқ тўловчилар зиммасига тушади. Билвосита солиқлар улуши (ҚҚС, сотишдан солиқ ва акцизлар) сезиларли даражада бўлмайди. Ушбу модель қўлланилаётган мамлакатларга Австралия, АҚШ, Буюк Британия, Италия, Ирландия ва бошқа мамлакатларни киритиш мумкин.

Евроконтиненталь моделида характерли белги шуки, ижтимоий суғуртага ажратмалар даражаси юқори. Яъни уларни маълум миқдордаги солиқ тўловлари, дейиш мумкин. Бу, ўз навбатида, Ғарбий Европа мамлакатлари томонидан олиб борилаётган ижтимоий йўналтирилган сиёсат билан изоҳланади. Бунда эгри солиқлар улуши, жумладан, ҚҚС муҳим аҳамият касб этади, яъни билвосита солиқ тушумлари бевосита солиқлардан бир неча маротаба кўпроқ бўлиб, жами бюджет даромадида уларнинг улуши 22 фоиздан кам бўлмаган миқдорни ташкил этади. Шунга ўхшаш суръатлар Нидерландия, Норвегия, Франция ва Швецияда кузатилади.

Иқтисодиётда инфляция даражаси кўп ҳолларда Лотин америкаси моделининг ўзига хос хусусиятини белгилаб беради. Бунда тўғри солиқларга қараганда эгри солиқларнинг юқори даражадаги инфляция шароитига қулай мослашишини инобатга олган ҳолда аксарият Лотин америкаси мамлакатларида бюджет даромадларини инфляциядан ҳимоя қилиш мақсадида эгри солиқларни ундиришга

2-жадвал

Жаҳонда солиқ тизими базис моделларининг асосий хусусиятлари

Англо-саксон модели	Евро-континенталь модели	Лотин америкаси модели	Аралаш модель
Қўлланиладиган мамлакатлар			
Австралия, АҚШ, Буюк Британия, Италия, Ирландия ва бошқ.	Ғарбий Европа мамлакатлари, Нидерландия, Норвегия, Франция ва Швеция	Боливия, Чили, Перу ва бошқ.	Аргентина, Австрия, Испания ва бошқ.
Ўзига хос хусусияти			
Солиққа тортишнинг тўғри солиқларга йўналтирилиши	Ижтимоий суғуртага юқори улушдаги ажратмалар, яъни билвосита солиқ тушумлари бевосита солиқлардан кўпроқ	Бюджет даромадларини инфляциядан ҳимоя қилиш мақсадида эгри солиқларни ундиришга йўналтирилган	Давлат бюджети даромадларини тўғри ёки эгри солиқлар тури ёки солиқ тўловчилар гуруҳларига боғлиқлигини инкор этган ҳолда, бюджет даромадларининг таркибий тузилишини диверсификациялайди

Манба: *http://www.doingbusiness.org/rankings.*

кўпроқ эътибор қаратилади. Шундан келиб чиқиб, бюджет даромадида эгри солиқлар улуши Боливияда 42 фоизни, Чилида 46 фоизни ва Перуда 49 фоизни ташкил этади[1].

Солиқ тизимида аралаш моделнинг амал қилиши шундан иборатки, у аксарият мамлакатларда давлат бюджети даромадларининг тўғри ёки эгри солиқлар тури ёки солиқ тўловчилар гуруҳларига боғлиқлигини инкор этган ҳолда бюджет даромадларининг таркибий тузилишини диверсификациялайди. Масалан, Испанияда эгри солиқлар салмоғининг юқори бўлишига қарамасдан тўғри солиқлар улуши 36 фоизни ташкил этади. Мазкур модель Аргентина, Австрия, Испания мамлакатларида қўлланилмоқда.

Ривожланган мамлакатларда иқтисодиётни юксалтириш мақсадида солиқ ислоҳотларига кўпроқ эътибор берилиб, иқтисодиётнинг турли тармоқларини тартибга солиш ва ривожлантиришда солиқ механизмидан самарали фойдаланилмоқда. Юридик ва жисмоний шахсларнинг бизнес юритиш фаолияти солиқлар воситасида тартибга солинади. Давлатнинг иқтисодиётга аралашуви солиқлар кўринишида намоён бўлиб, хўжалик субъектлари фаолиятига тўғридан-тўғри аралашув давлат вазифасига кирмайди. Бизнес субъектлари ўзининг хусусий фаолияти доирасида қулайликларга эга бўлиши керак ва шундагина мамлакат иқтисодиёти ривожланади. Республикада ҳам ривожланган мамлакатлар амалиётидан фойдаланган ҳолда солиққа тортишни оптимал даражада ташкил этиб, иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва зарур тармоқларни юксалтириш мумкин. Лекин, айтиш ўринлики, бу борада республикада тинимсиз ислоҳотлар амалга оширилаётганлиги боис, қатор ютуқларга ҳам эришилмоқда.

> XX асрнинг охирида дунёнинг кўпгина мамлакатларида, шу жумладан, АҚШ, Германия, Буюк Британия, Франция, Япония, Швеция ва бошқа қатор мамлакатларда тадбиркорликни рағбатлантирувчи ва капитал жамғаришни тезлаштиришга қаратилган ислоҳотлар олиб борилган.

Солиқ ислоҳотлари тарихига назар соладиган бўлсак, XX асрнинг охирида дунёнинг кўпгина мамлакатларида, шу жумладан, АҚШ, Германия, Буюк Британия, Франция, Япония, Швеция ва бошқа қатор мамлакатларда тадбиркорликни рағбатлантирувчи ва капитал жамғаришни тезлаштиришга қаратилган ислоҳотлар олиб борилган. Ушбу мамлакатларда юксак технологияли ишлаб чиқаришлар солиқ механизми орқали рағбатлантирилган. Масалан, Шотландия, Англиянинг шимолий ҳудудлари, Шимолий Ирландия, Бельгиядаги тошкўмир ва металлургия ҳудудлари фан-

[1] *Абдурахманов О.К. Налоговые системы стран с переходной экономикой. Монография. – М.: КНОРУС, 2016. – С. 11.*

техника тараққиёти таъсири остида инқирозга юз тутган вақтда иқтисодиётни тушкунликдан чиқаришнинг солиқ йўли муҳим ўрин тутди. Ушбу ҳудудларда инфратузилмани замонавийлаштириш, саноатни янги илғор ишлаб чиқариш технологиялари билан таъминлаш, ишчи кучига қайта малака бериш вазифаси турарди. Шунинг учун ҳам, хўжалик субъектлари молиявий фаолиятини мустаҳкамлайдиган ва инвестицияни рағбатлантирадиган ислоҳотлар амалга оширилиб, улар қуйидаги йўналишда олиб борилган:

- биринчидан, хўжалик субъектлари даромадини кўпайтирадиган, инвестицияни амалга оширишга йўналтириладиган ва малакали ходимлар тайёрлашни рағбатлантирадиган солиқ имтиёзлари берилган;
- иккинчидан, муомаладаги пул массасини камайтириш ва инқирозни жиловлаш учун билвосита солиққа тортиш салмоғи бир оз оширилган.

Билвосита солиққа тортиш салмоғининг оширилиши шундай йўсинда ташкил этилганки, ушбу солиқлар корхоналар фаолиятини тартибга солувчи ва нисбатан бетараф солиқ сифатида намоён бўлган. Юқорида қайд этилган ислоҳотлар сабабли ривожланган давлатларда ҳам бевосита солиқ ставкалари қисман пасайтирилган. Шу жумладан, «корпорациялардан олинадиган даромад солиғи ставкаси АҚШда 46 фоиздан 34 фоизга, Буюк Британияда 45 фоиздан 35 фоизга, кейинчалик 33 фоизга, Японияда 42 фоиздан 40 фоизга, Францияда 50 фоиздан 45 фоизга ва кейинчалик 34 фоизга пасайтирилди»[2]. Бундан ташқари, ушбу давлатларда жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортишда юқори ставкалар миқдори пасайтирилди. Яъни бу тадбирлар хусусий сармояларни кўпайтириш, уларни иқтисодиётга йўналтириш ва тадбиркорликни ривожлантириш учун амалга оширилди. Мазкур давлатларнинг айримларида бевосита солиқлар юки камайиши билан билвосита солиққа тортиш ҳажми бирмунча кўтарилди. Масалан, Германияда ҚҚС ставкаси 14 фоиздан 15 фоизга, Японияда сотувдан солиқ ставкаси 3 фоиздан 5 фоизга кўпайди.

> Ривожланган мамлакатларнинг солиқ сиёсати одатда сармояни жалб қилишга йўналтирилган. Бу мамлакатларда ишлаб чиқаришни янги технологиялар билан таъминлаш ва замонавийлаштириш билан боғлиқ бўлган сармоя қўйилмалари солиқ имтиёзлари орқали рағбатлантирилади.

Ушбу мамлакатларда бозор иқтисодиёти муносабатлари тўлиқ шаклланганлиги боис, билвосита солиқлар хўжалик субъектларининг айланма маблағларини қисқартирмаган ҳамда тадбиркорликка жиддий таъсир этмаган ва, аксинча, рақобатни кучайтириб, инфляцияни жиловлаш орқали афзаллик жиҳатларини намоён этган. Бевосита солиққа тортиш қисман чекланиб, билвосита солиққа тортиш ҳажми оширилган бўлса-да, солиқ тушумларида бевосита солиқлар салмоғи юқорилиги сақланиб қолмоқда. Бунга асосий сабаб иқтисодиётни солиқлар орқали рағбатлантириш яхши йўлга қўйилганлиги ва бевосита солиққа тортиладиган даромадларнинг ўсиб бораётганлигидир. Умуман олганда, ривожланган мамлакатларнинг солиқ сиёсати одатда сармояни жалб қилишга йўналтирилган. Бу мамлакатларда ишлаб чиқаришни янги технологиялар билан таъминлаш ва замонавийлаштириш билан боғлиқ бўлган сармоя қўйилмалари солиқ имтиёзлари орқали рағбатлантирилади.

Бизнинг назаримизда, солиқларнинг тартибга солувчилик функциясидан устувор фойдаланган ҳолда мамлакат минтақалари иқтисодиётида табиий ресурсларни инвестициялашда давлат ва хусусий мулк эгалари манфаатларини мақбуллаштириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўзбекистонда корхоналар молиявий фаолияти мустаҳкамланиши учун бевосита солиқлар юки камайтирилди. Жумладан, ҳар молия йилида

[2] *Черник Д.Г. и др. Налоги и налогообложение: Учебник. – 3-е изд., перераб. и доп. – М.: МЦФЭР, 2006. – С. 34.*

юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ставкаси пасайтириб келинмоқда. 2013 йилда у 9 фоизни ташкил этган бўлса, 2014 йилда 8 фоиз ва 2015 йил 1 январдан бошлаб 2018 йилгача 7,5 фоиз қилиб белгиланиб, ушбу даврда 1,5 фоиз пунктга камайтирилди[3].

АҚШ бюджет тизими ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради. АҚШда миллий даромаднинг 40 фоизи давлат бюджети орқали тақсимланади. Шунингдек, давлатнинг иқтисодиётга аралашуви 20–25 фоизни ташкил қилади. АҚШ бюджет тизимининг ўзига хос хусусияти шундаки, ижтимоий харажатларнинг асосий қисми, яъни федерал харажатлар (тўловлар)нинг тахминан 47 фоизи тиббий хизмат кўрсатиш, озиқ-овқат ва турар-жой билан таъминлашга ёрдам бериш, шунингдек, аҳолига нақд пул тўловларини молиялаштириш харажатларига тўғри келади[4]. Бу давлатнинг солиқ тизимини кўриб чиқадиган бўлсак, у баъзи бир белгилари билан бошқа солиқ тизимларидан ажралиб туради. Жумладан:

- мамлакат солиқ тизимида жуда катта бошқарув аппаратининг мавжудлиги;
- солиқ органлари умумий тузилишининг мамлакат миқёсида қатъий марказлаштирилмаганлиги, мамлакат солиқ идораларининг уч даражали: федерал, штат ва шаҳар (баъзан айрим графликлар даражасидаги туманлар) идоралари ҳамда уларнинг ҳар бири тўлиқ мустақил эканлиги.

Бугунги кунда АҚШ солиқ тизимида солиққа тортиш механизмлари такомиллашган бўлиб, бунда солиқлар фақатгина бюджетни тўлдириш, яъни фискал функцияни бажарибгина қолмай, балки иқтисодий ривожланишнинг асосий таянч элементларига айланган. АҚШ молия тизимининг асосий бўғини федерал бюджет механизми ҳисобланади. Йирик ва доимий тушумга эга бўлган солиқлар федерал бюджетга йўналтирилади. Федерал харажатлар умумдавлат харажатларининг тахминан 60 фоизини ташкил этади, 40 фоизи эса штатлар ва маҳаллий ҳокимият идораларининг бюджетларига тўғри келади. Федерал бюджет таркибида юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи 54,3 фоизни (юридик шахслардан 9,3 фоиз, жисмоний шахслардан 45 фоиз), акцизлар 6,3 фоизни, совғалар ва меросдан олинадиган солиқ 1 фоизни, иш берувчилар билан ходимлар томонидан баравар тўланадиган ижтимоий таъминотга ажратмалар 27,6 фоизни, бепул тиббий ёрдамга ажратмалар 7 фоизни, иш берувчилар томонидан тўланадиган ишсизлик нафақаларига ажратмалар 2 фоизни ташкил қилади. Федерал бюджетнинг харажатлар қисми 20та асосий бюджет тоифаларига, шу жумладан, миллий мудофаа, халқаро ишлар, қишлоқ хўжалиги, транспорт, энергетикани ривожлантириш, соғлиқни сақлаш, ижтимоий суғурта харажатларига, давлат қарзи бўйича фоизлар тўлашга ва ҳоказоларга бўлинади[5].

Штатларнинг бюджетларига солиқ тушумларининг умумий ҳажмида юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи 39 фоизни, маҳсулот сотишдан олинадиган солиқ 49 фоизни, юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган мулк солиғи 2 фоизни, фойдали қазилмаларни қа-

> Бугунги кунда АҚШ солиқ тизимида солиққа тортиш механизмлари такомиллашган бўлиб, бунда солиқлар фақатгина бюджетни тўлдириш, яъни фискал функцияни бажарибгина қолмай, балки иқтисодий ривожланишнинг асосий таянч элементларига айланган.

[3] *Ўзбекистон Республикаси Президентининг республика асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисидаги Қарорлари: 2012 й., ПҚ-1887; 2013 й., ПҚ-2099; 2014 й., ПҚ-2170; 2015 й., ПҚ-2455; 2016 й., ПҚ-2699.*

[4] *Аҳмеджанов А. ва бошқ. Америка қўшма штатларининг федерал бюджет тизими: Шакллантириш, мувофиқлаштириш ва ижро этиш тамойиллари. –Т.: Фан, 2004. –158-бет.*

[5] *Аҳмеджанов А. ва бошқ. Америка қўшма штатларининг федерал бюджет тизими: Шакллантириш, мувофиқлаштириш ва ижро этиш тамойиллари. –Т.: Фан, 2004. –159-бет.*

Жаҳоннинг иқтисодий ривожланган давлатлари қаторига кирувчи Германияда бюджет-солиқ сиёсатининг самарали механизми яратилган. 1974 йилдан бошлаб давлат бюджетига ижтимоий суғурта ва ижтимоий таъминот фондлари ҳам киритилган.

зиб чиқарганлик учун табиий ресурсларнинг мулкдорлари томонидан тўланадиган солиқ 2 фоизни, лицензияланадиган фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берганлик учун олинадиган лицензия йиғимлари 6 фоизни ташкил қилади. Муниципал маъмурлар жисмоний шахсларга даромад солиқлари, акцизлар, компаниялардан лицензия йиғимлари, касб учун солиқ, фойдали қазилмаларни қазиб чиқарганлик учун солиқ, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солиқ солишлари мумкин. Бу солиқлар баъзи маҳаллий бюджетларда 75 фоизга етади.

АҚШ давлат бюджетининг солиқли даромадларига келадиган бўлсак, у федерал солиқлар, штатлар солиқлари ва маҳаллий солиқлар ҳамда йиғимлардан иборатдир. Давлат молияси ва давлат қурилиши бунинг асоси ҳисобланишини таъкидлаш лозим. АҚШ солиқ тизимига хос бўлган рағбатлантирувчи ёндашув бошқа ҳар қандай тизимга нисбатан кучлироқдир. Бундай ёндашув фақат иқтисодиётдагина эмас, балки жамият ҳаётида ҳам кўзга ташланган ижобий тамойиллар ва жараёнларнинг самарали ривожланишини таъминлайди. Маълум даврларда иқтисодий ўсишни жадаллаштириш учун айрим солиқ турларининг ставкалари камайтирилади.

Таъкидлаш лозимки, АҚШ, юқорида айтиб ўтганимиздек, солиққа тортишнинг англо-саксон модели тоифасига мансуб бўлиб, бунда федерал бюджет даромадларининг асосий қисмини бевосита солиқлар ташкил этади. АҚШ федерал бюджетига тушадиган даромад солиғи асосий ўринни, яъни 41 фоизни эгаллайди, иккинчи ўринда (бюджетдаги салмоғи бўйича) ижтимоий суғурта ажратмалари туради. Унинг бюджет даромадларидаги салмоғи 34 фоизни ташкил этиб, иш берувчи ва ишчи ўртасида тенг иккига бўлинади. Йиғим ставкаси ҳар йилги бюджет тизимига қараб ўзгаради. АҚШ федерал бюджет солиқлари таркибида, асосан, бевосита солиқлар ҳиссаси кўпроқдир. Ўзбекистон ва АҚШнинг бюджет-солиқ сиёсати ўртасидаги ўхшашлик жиҳатига келсак, ҳар иккала бюджетга ҳам муҳим аҳамиятга молик бўлган солиқлар йўналтирилади. Фарқли жиҳати шуки, Ўзбекистон солиқ тизимида билвосита солиқлар ҳиссаси кўпроқ, шу сабабли эгри солиқлар ҳам умумдавлат солиқларида муҳим аҳамиятга эга, АҚШ федерал бюджетида эса билвосита солиқлар деярли йўқ, чунки мамлакат бюджетида эгри солиқларнинг ҳиссаси кам. АҚШда корпорация солиқлари федерал бюджетдан ташқари штат солиқлари таркибига ҳам киритилади. Бу солиқ ставкаси 34 фоизни ташкил этса, республикада 2017 йилда юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ставкаси 7,5 фоизни ташкил этди[6].

Жаҳоннинг иқтисодий ривожланган давлатлари қаторига кирувчи Германияда бюджет-солиқ сиёсатининг самарали механизми яратилган. 1974 йилдан бошлаб давлат бюджетига ижтимоий суғурта ва ижтимоий таъминот фондлари ҳам киритилган. Германияда икки: федератив республика (федерация) ва ўлкалар (федерация аъзолари) даражасидаги давлат ҳокимияти амал қилади. Федерация ва ўлкалар бюджетларини ташкил этиш масалаларида бюджет хўжалигини мустақил олиб бориш тамойиллари бўйича вазифаларни ҳал қилиш, молиялаштиришни таъминлаш вақтида умумдавлат ва ўлкалар манфаатларини ўзаро боғлаш зарурлиги ҳисобга олинади. Федерал давлат ва ўлкалар билан бир қаторда маҳаллий бюджетларга эга бўлган жамоалар

[6] *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 27 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-2699-сонли қарори.*

муайян ижтимоий-иқтисодий функцияларни бажарадилар. Шундан келиб чиқиб, давлат бюджетига тушадиган барча солиқлар қуйидаги икки гуруҳга бўлинади:

- федерация, ўлкалар ва жамоалар ўртасида белгиланган меъёрлар бўйича тақсимланадиган, бирйўла турли даражалардаги бюджетларга келиб тушадиган солиқлар, улар «умумий солиқлар» деб номланади;
- тегишли маъмурий-ҳудудий бўғинларга бириктириб қўйилган ва уларга тўлиқ миқдорда келиб тушадиган солиқлар, ёки «ўз солиқлари» деб номланади.

Чунончи, даромад солиғи ва корпорациялардан олинадиган солиқни тақсимлаш ҳудудий белги бўйича амалга оширилади. Ўлкаларнинг молия бошқармалари бу солиқларни юридик ва жисмоний шахслардан ундиради, даромад солиғи тушумларининг 15 фоизи жамоаларга берилади, қолган суммалар эса юқори бюджетларга йўналтирилади ва федерация билан ўлкалар ўртасида тенг бўлинади.

Таъкидлаш лозимки, Германияда ҳар бир солиқ бўйича деярли алоҳида меъёрий ҳужжатлар мавжуд бўлиб, бу мамлакатда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бевосита солиқлар таркибида энг муҳими ҳисобланади. Солиққа тортиш объектига иш ҳақи, гонорарлар, капитал даромадлари, банклар жамғармаларидаги фоизлар, ижара ҳақи, хусусий иш фаолиятидан олинадиган даромадлар ва бошқалар киради. Германияда капиталдан олинадиган даромад солиғи жисмоний шахслардан олиниб, дивидендлар ва фоизларга нисбатан ҳисобланади. Бюджетдаги жами даромадларда ушбу солиқнинг салмоғи 2–3 фоизни ташкил этади. Солиқ ставкаси 25 фоиз қилиб белгиланган. Бу кўрсаткич Буюк Британияда 25 фоиз, Японияда 20 фоиз, Италияда 30 фоиз, Францияда 25 фоиз, Швецияда 35 фоиз, Испанияда 20 фоиз, республикамизда эса 2017 молия йилида ушбу дивидендлар ва фоизлардан олинадиган солиқ ставкаси 10 фоизни ташкил этди[7].

> Германияда умумий солиқ суммаси, яъни битта солиқ суммаси бир вақтнинг ўзида федерация, ўлкалар ва маҳаллий бюджетга тушадиган бўлса, Ўзбекистонда ҳозирча бундай ҳолат мавжуд эмас, яъни ҳар бир солиқ тури тўлиғича фақат битта бюджетга тушади.

Германияда амал қилаётган солиқ тизимини Ўзбекистон солиқ тизими билан солиштирадиган бўлсак, ўхшашлик ва фарқли томонлари мавжуд. Ўзбекистонда солиқлар умумдавлат ва маҳаллий солиқларга бўлинса, Германияда федерал, ўлкалар (ерлар) ва маҳаллий солиқларга бўлинади. Германияда умумий солиқ суммаси, яъни битта солиқ суммаси бир вақтнинг ўзида федерация, ўлкалар ва маҳаллий бюджетга тушадиган бўлса, Ўзбекистонда ҳозирча бундай ҳолат мавжуд эмас, яъни ҳар бир солиқ тури тўлиғича фақат битта бюджетга тушади.

Таъкидлаш жоизки, Францияда ҳам солиққа тортиш механизми ўзига хос хусусиятга эга. Францияда қўшилган қиймат солиғи бюджет даромадларининг асосий бўғини ҳисобланади. Мазкур солиқнинг асосий ставкаси 18,6 фоиз бўлиб, энг юқори ставка 22 фоизни ташкил этади. Ушбу юқори ставка автомобиль, кино-, фотомаҳсулотлар, атир-упа, мўйналар, қимматбаҳо териларга нисбатан қўлланилади. Камайтирилган солиқ ставкаси 5,5 фоиз бўлиб, у асосан озиқ-овқат маҳсулотлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, китоблар ва тиббий воситаларга нисбатан қўлланилади. Францияда қўшилган қиймат солиғи билан бир қаторда акциз солиғи ҳам ундирилади. Акциз солиғининг баъзилари давлат бюджетига, айримлари эса маҳаллий бюджетга тушади. Франция бюджетига мол-мулк солиғи ҳам катта даромад келтиради. Мол-мулкка солинадиган солиқнинг объекти мол-мулк, мулкий ҳуқуқ ва қимматли қоғозлар ҳисобланади.

[7] *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 27-декабрдаги ПҚ-2699 сонли «Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарори.*

Францияда марказий ҳукумат бюджети даромадларининг асосий қисми, яъни 93 фоизини солиқ тўловлари ташкил қилади. Бюджет даромадларининг қолган қисми махсус даромадларга тўғри келиб, асосан ижтимоий фондларга тўловлардан ташкил топади. Бюджет даромадларининг 42 фоизини билвосита солиқлардан қўшилган қиймат солиғи эгаллайди, ундан кейинги ўрин нефть маҳсулотларига бож ва акциз солиғига тўғри келади ва у 7 фоизни ташкил этади. Бевосита солиқлар ичида корхоналардан олинадиган солиқ бюджет даромадларининг 11 фоизини, жисмоний шахсларнинг даромад солиғи эса 18 фоизни ташкил этади[8]. Ўзбекистонда 2017 йил якуни маълумотларига кўра, солиқ тушумларида қўшилган қиймат солиғи 30,2 фоизни, акциз солиғи 15,4 фоизни ва юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи эса жами бюджет даромадларининг 3,0 фоизини ташкил этган[9].

Илмий тадқиқотлар шундан гувоҳлик берадики, Японияда жами солиқ тушумларида бевосита солиқлар 85 фоиз, билвосита солиқлар эса 15 фоизни ташкил этади. Бевосита солиқлар ичида фойда, даромад ҳамда турли мулкларга солиқлар таркиби анча фарқ қилади. Скандинавия мамлакатларида барча солиқ тушумларининг 80–90 фоизи даромад ва фойда солиғи ҳиссасига тўғри келади; Бельгия, Германия, Австрияда бу кўрсаткич 50 фоиздан ошмайди. Бошқа мамлакатларда эса ҳудудий органлар бюджетларидаги солиқ тушумларининг асосий қисми турли шаклдаги мулклардан олинадиган солиқлар ҳисобидан шаклланади. Жумладан, Ирландияда ягона маҳаллий солиқ; Нидерландияда жами солиқ даромадларининг 2/3 қисмини шу солиқлар ташкил этади; Японияда 48 фоиз солиқ даромадларини тураржой бинолари учун солиқлар ва 21 фоизини кўчмас мулк учун солиқлар ташкил қилади.

Буюк Британия ва Испанияда ҳар бир маъмурий-ҳудудий бирликдаги жон бошига тўғри келадиган даромадлардан келиб чиққан ҳолда марказий ҳокимиятлар бюджетдаги солиқ тушумлари соҳаси бўйича ҳудудий органлар бюджетларини мувофиқлаштиришда ҳам иштирок этади. Жон бошига ўртача даромади юқори бўлган ҳудудий органлар бюджетларидаги солиқ тушумларининг бир қисми марказий ҳокимият органлари томонидан олиниб, даромад даражаси паст бўлган ҳудудларга йўналтирилиши мумкин. Ҳудудий бюджет даромадлари маҳаллий солиқлар ва йиғимлар, солиқдан ташқари тўловлар, юқори бюджетдан ажратмалар ҳисобидан шаклланади. Ушбу даромадлар манбалари ўртасидаги мутаносиблик ҳудудий бошқарув органларига юклатилган вазифалар, улар томонидан маҳаллий солиқларни йиғиш имконияти, шунингдек, марказий ҳокимият органлари томонидан ҳудудларга молиявий ёрдам кўрсатиш имкониятига боғлиқ бўлади. Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, иқтисодий ривожланган мамлакатларда ҳудудий бюджетлар улуши давлатнинг умумий ресурслари ҳажмида юқори улушни ташкил этади. Масалан, Португалияда бу кўрсаткич ЯИМга нисбатан 3 фоиз, Норвегияда 15 фоиз, Швецияда эса 31 фоизни ташкил этади[10]. Ўзбекистонда республика бюджетида Қорақалпоғистон Республикаси минтақаси бюджет даромадлари улуши 2017 йили 7,1 фоизни ва харажатлари улуши эса 6,6 фоизни ташкил этган[11].

Фикримизча, Қорақалпоғистон Республикаси минтақаси бюджет даромадларини барқарорлаштиришда ва унинг республика бюджети-

> Ўзбекистонда 2017 йил якуни маълумотларига кўра, солиқ тушумларида қўшилган қиймат солиғи 30,2 фоизни, акциз солиғи 15,4 фоизни ва юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи эса жами бюджет даромадларининг 3,0 фоизини ташкил этган.

[8] *Ўрмонов Ж. Хорижий мамлакатлар солиқ тизими: Ўқув қўлланма. – Т.: ЎР ДСҚ Солиқ академияси, 2007. – 82-бет.*

[9] *Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоблаган.*

[10] *Лыкова Л.Н. и др. Налоговые системы зарубежных стран. – 2-е изд. пер. и доп. Учебник. Юрайт, 2016. – С. 146.*

[11] *Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф ҳисоблаган.*

Шарқий Осиё мамлакатлари ичида юқори иқтисодий ўсиш суръатларини намоён этиб келаётган Жанубий Кореяда ҳам бюджет-солиқ сиёсатининг самарали механизми ташкил этилган. Корея солиқ тизими миллий солиқлар ва маҳаллий солиқлар номи билан 2 гуруҳдан иборат бўлиб, турли категорияларга бўлинади.

даги улушини кўпайтириш мақсадида федератив давлатлар тажрибасидан фойдаланган ҳолда бюджет-солиқ механизмлари (модификациялари)ни қўллаш жоиз. Жумладан:

- ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ тушумлари маҳаллий бюджетга қолдирилиши;
- махсус тўловлар (бонуслар) бўйича тушумлардан маҳаллий бюджетга минтақавий ҳудудий ажратмалар берилиши ҳамда солиқ ставкаларини белгилашда минтақадаги фойдали қазилмаларнинг ҳудудий жойлашиш нуқтаи назаридан келиб чиқиб маҳаллий ҳокимият органларининг ваколат доирасини кенгайтириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Японияда бюджет-солиқ сиёсати ўзига хос хусусиятларга эга. Ушбу мамлакатда ҳам бевосита ва билвосита солиқлар мавжуд бўлиб, бевосита солиқлар таркибига корпорациялар даромадига солиқ, ворисликка солиқ ва ер солиғи киради. Билвосита солиқлар таркибига истеъмол солиқлари, спиртли ичимликлар, тамаки маҳсулотлари, шакар, бензин, нефть, авиация ёқилғиси, чет эл валютаси ва қимматли қоғозлар бўйича операциялар, йўловчиларни ташиш, автомобиль воситаларига божхона божлари кабилар киради. Корхоналардан олинадиган корпорация солиғи умумдавлат солиғи таркибига киритилиб, мазкур солиқ тўловчилар бизнесда банд бўлган корпорациялар ҳисобланади. Солиқ объекти бизнес даромади ҳисобланади. Солиққа тортиладиган даромад: корпорациянинг фойдаси корпорациянинг солиқ қонуни талабига мувофиқ қабул қилинган тамойиллар асосида ҳисобланади. Япония билан Ўзбекистоннинг солиққа тортиш тизимини таққослашда қуйидагиларга эътибор қаратдик, жумладан, солиқларнинг бюджетга келиб тушиши бўйича республикамизда солиқлар иккита бюджетга келиб тушади, яъни республика бюджети ва маҳаллий бюджет. Японияда ҳам иккита бюджет мавжуд бўлиб, уларнинг номланиши ҳам давлат бюджети ва маҳаллий бюджетлардир.

Шарқий Осиё мамлакатлари ичида юқори иқтисодий ўсиш суръатларини намоён этиб келаётган Жанубий Кореяда ҳам бюджет-солиқ сиёсатининг самарали механизми ташкил этилган. Корея солиқ тизими миллий солиқлар ва маҳаллий солиқлар номи билан 2 гуруҳдан иборат бўлиб, турли категорияларга бўлинади. Миллий солиқлар таркибини бевосита солиқлардан корпорациялар солиғи, жисмоний шахсларнинг даромадларига солиқ, мерос учун солиқ; ички солиқлар деб номланувчи совға солиғи, даромадларнинг ошиб кетганлиги учун солиқ; билвосита солиқлардан қўшилган қиймат солиғи, акцизлар, махсус солиқ, спиртли ичимликлар учун солиқ, транспорт солиғи, таълим учун солиқ, қишлоқ туманларни ривожлантириш солиқлари ташкил этади. Маҳаллий солиқлар таркибига оддий солиқлар деб номланувчи истеъмол солиғи, рўйхатдан ўтиш солиғи, яшашга солиқ, мулк солиғи, умумий ер солиғи, автомобиль солиғи; мақсадли солиқлар деб номланувчи шаҳарларни ободонлаштириш учун солиқ, бизнес учун солиқ ва таълим учун маҳаллий солиқлар киради.

Миллий солиқлар таркибида корпорация солиғи корхоналарнинг тижорат фаолияти асосида йил давомидаги даромадидан олинади. Солиқ солиш объекти бизнес даромади ҳисобланади. Солиқ ставкаси табақалаштирилган бўлиб, солиқ солинадиган база 100 млн. вона ва ундан кам бўлса 13 фоиз ва солиқ солинадиган база 100 млн. вонадан кўп бўлса 25 фоиз миқдорида белгиланган. Қўшилган қиймат солиғи стандарт ставкаси 10 фоиз миқдорида белгиланган. Давлат бюджетида жами солиқ тушумларининг 79,5 фоизини миллий солиқлар ва 20,5 фоизини маҳал-

лий солиқлар ташкил этади. Миллий солиқлар ичида энг катта ҳисса қўшилган қиймат солиғига тўғри келади – 23,6 фоиз, жисмоний шахслар даромад солиғи 18,6 фоиз ва корпорация солиғи 11,8 фоизни ташкил этмоқда. Ўзбекистон Республикасида 2017 йили бюджет даромадида солиқ тушумларининг тақсимланишида қўшилган қиймат солиғи билвосита солиқлар гуруҳи таркибида 55,2 фоизни, бевосита солиқлар гуруҳи таркибида эса жисмоний шахсларнинг даромад солиғи 41,9 фоизни ва юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи 12,1 фоизни ташкил этади[12].

Хорижий мамлакатларда амалиётдаги солиққа тортиш механизмларини таҳлил ва тадқиқ этиш асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

- давлат молиявий ресурсларини марказий ва маҳаллий органлар ўртасида тақсимлаш ва қайта тақсимлаш механизми, ҳокимиятнинг ҳар бир даражаси ихтиёридаги солиқ қўламлари, уларнинг бажараётган вазифалари ва автономия тамойиллари мамлакатнинг конституция тузилиши асосида белгиланиши;
- турли мамлакатларда ҳокимиятнинг табақалашувидан келиб чиқиб солиқ тизимининг ҳам икки ёки уч поғонали бўлиши.

Таҳлилий маълумотлар ва фикр-мулоҳазаларни умумлаштирган ҳолда умумий хулоса қиладиган бўлсак, мамлакатимиз минтақаларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш талабларидан келиб чиқиб, жойларда турли даражадаги бюджетларни шакллантиришда муаммолар пайдо бўлиши сабабли маҳаллий бюджетлар ислоҳотларга муҳтождир. Ўзбекистон минтақалари ўртасида кескин тафовутлар мавжуд бўлиб, маҳаллий бюджетларни шакллантиришда солиққа тортиш механизмларини мазкур тафовутлар ҳисобга олинган ҳолда мамлакат минтақавий хусусиятларидан келиб чиқиб янгича ёндашувлар асосида такомиллаштириш тақозо этилади.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети даромадларини мустаҳкамлаш ва унинг республика бюджетидаги улушини кўпайтириш мақсадида, федератив давлатлар тажрибасидан фойдаланган ҳолда, Қорақалпоғистон Республикасида минтақавий бюджет-солиқ механизмлари модификациялари жорий этилиши, дастлабки босқичда тажриба-синов режимида солиқ тушумларидан минтақавий ажратмалар берилиши мақсадга мувофиқ. Буни қуйидаги тарзда амалга ошириш таклиф этилади:

- ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ механизмини такомиллаштириш, яъни махсус меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида (вақтинча, қисман ёки маълум муддатгача) солиқ бўйича тушумларни Қорақалпоғистон Республикаси бюджети (маҳаллий бюджет) даромадларида қолдириш (бириктириш);
- Қорақалпоғистон Республикасидаги минерал хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш бўйича маҳаллий ҳўжалик субъектлари ташаббускорлигида инвестицион лойиҳалар асосида ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш мақсадида махсус тўловлар (бонуслар) бўйича тушумлардан минтақа бюджетига ажратмалар бериш ва ставкаларини белгилаш бўйича маҳаллий ҳокимият органларининг ваколат доирасини кенгайтириш. Қайд этилганлар, ўйлаймизки, эндиликда минтақа бюджетини оптимал шакллантиришда солиқ тушумларининг ҳудудий жиҳатдан самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

[12] *Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоблаган.*

ABSTRACTS

THE COMPARATIVE ANALYSIS OF FOREIGN EXPERIENCE OF TAXATION MECHANISMS FOR FORMATION BUDGET REVENUES

The article deals with analysis of foreign experience of taxation mechanisms for formation budget revenues. Since taxation is an important instrument of the economy, the experience of developed countries is of particular interest to Uzbekistan. Introducing new taxes, canceling previous taxes and fees, raising or lowering rates, the government will not only replenish its own national budget but also solve the socio-economic problems.

ЖАҲОН БАНКИ РОССИЯЛИКЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ САВОДХОНЛИК ДАРАЖАСИ ОШГАНЛИГИНИ ҚАЙД ЭТДИ

Россияда амалга оширилаётган Аҳолининг молиявий саводхонлик даражасини ошириш бўйича лойиҳа дунёдаги энг муваффақиятли лойиҳалардан ҳисобланади. Бу ҳақда Жаҳон банкининг РФдаги директори ва доимий вакили Андраш Хорваи Сочида бўлиб ўтган Россия иқтисодий форуми давомида ТАССга айтиб ўтди.

«Россиядаги лойиҳа – дунёдаги шунга ўхшаш лойиҳаларнинг энг муваффақиятлиларидан бири бўлди, деб ўйлайман. Россия Федерациясидаги ҳолатни бошқа мамлакатлардаги ҳолат билан солиштирса, 15 ёшлик мактаб ўқувчиларининг молиявий саводхонлик даражаси анча ошганлигини кузатиш мумкин», – қайд этди Хорваи.

«Россия Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти мамлакатларининг ўртача кўрсаткичларидан бир неча баробар ошиб, мисли кўрилмаган тараққиётга эришгани рост. Бундан ташқари, Россия катта ёшдаги аҳолининг молиявий саводхонлигини халқаро қиёсий тадқиқ қилиш натижалари бўйича G20 мамлакатлари орасида тўққизинчи ўринни эгаллайди», – қўшимча қилди Жаҳон банкининг Россиядаги доимий вакили.

Унинг сўзларига кўра, лойиҳа Молия вазирлиги, Марказий банк, Роспотребнадзор ва минтақавий ҳокимият вакилларининг аҳоли молиявий саводхонлигини оширишдаги «пухта манфаатдорлиги» эвазига муваффақият қозонган.

«Лойиҳа туфайли мактаб ва олий ўқув юртларида молиявий саводхонлик курслари жорий этилди, педагогларни тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими доирасида эса ўқувлар ташкил қилинди. Бундан ташқари, катта ёшдаги аҳолининг саводхонлигига муҳим эътибор қаратилди. Бу ўринда Роспотребнадзор катта вазифани бажарди: кўп соҳалар қатори, молиявий хизматлар соҳасида ҳам шикоят ва аризалар тушганда, тезкор чоралар кўрилди ва жуда самарали қарорлар қабул қилинди», – қайд этди Хорваи ҳамда бошқа мамлакатларда шунга ўхшаш лойиҳалар амалга оширилганда РФ тажрибасидан фойдаланишга эҳтиёж туғилишини эслатиб ўтди.

JP MORGAN БАНКИ РЕАЛ ШАРОИТЛАРДА ЎЗ КРИПТОВАЛЮТАСИНИ ТЕСТДАН ЎТКАЗИБ КЎРМОҚЧИ

JP Morgan Америка инвестицион банки бир неча ой давомида JPM Coin деб аталувчи ўз криптовалютасини реал синовдан ўтказмоқчи, у банк тўлов бўлинмалари мижозлари ўртасида унча катта бўлмаган ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун қўлланилади.

Банкир.Рунинг Ttrcoin ахборот манбаига таяниб берган хабарларига кўра, JPM Coin стейблкоин ҳисобланади, яъни унинг ҳар бир бирлиги АҚШ доллари билан таъминланган. Маблағлар банкка ўтказилгандан кейин мижозлар токенлар ола бошлашади, барча зарур ҳисоб-китоблар якунига етгандан кейин эса JP Morgan депозитларни уларнинг эгаларига қайтариш билан бир вақтда токенларни йўқ қилишга киришади.

JP Morgan блокчейн-ишланмасининг раҳбари Умар Фаруқ банк токенларини қўллашнинг учта асосий соҳасини ажратиб кўрсатади: ҳисоб-китобларни бир зумда амалга ошириш имконияти билан бирга корпоратив мижозлар ўртасида халқаро ўтказмалар дастаги сифатида қўллашда, қимматли қоғозларни беришда ва JP Morgan омборлари хизматларидан фойдаланувчи корпорациялар бўлинмалари тасарруфида бўлган долларни алмаштиришда.

ЕВРОКОМИССИЯ: ЕВРО ЕВРОҲУДУД МАМЛАКАТЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЁТИНИ ТЕНГЛАШТИРУВЧИ ВОСИТА БЎЛОЛМАДИ

Европанинг ягона валютаси евроҳудуд давлатлари иқтисодиётини тенглаштирувчи восита бўла олмади, аксинча, сўнгги инқироз натижасида евроҳудуднинг бой ва камбағал мамлакатларга бўлиниши кучайди. Бу ҳолатни душанба куни Брюсселда Европа гуруҳи – евро ҳудудидаги молия вазирларининг мажлисидан сўнг ўтказилган матбуот анжуманида иқтисодий ва молиявий масалалар бўйича еврокомиссар Пьер Московиси тан олди.

«Евро ҳудуди, аввалбошдан ўйланганидек, ўз давлатларининг иқтисодий тараққиётини автоматик тарзда тенглаштиришга эриша олмади. Аксинча, охирги инқироз вақтидан бошлаб бой ва камбағал давлатлар орасидаги тафовут фақат ортиб бораётганига гувоҳ бўляпмиз, бу эса популистик партияларнинг евротажовузкорлиги ошишига асосий сабаб бўлаётир, – қайд этди у. – Бу бизнинг умумий бош оғриғимиз, уни ҳал этиш учун ҳамма бош қотириши керак, чунки унга муқобил тарзда турлича суръатларда ривожланаётган евроҳудуд вужудга келиши мумкин, бунга эса биз йўл қўя олмаймиз».

2008–2009 йиллардаги жаҳон молиявий инқирози даврида ва ундан кейин бошланган 2010–2014 йиллардаги евроҳудуднинг суверен қарздорлиги инқирози даврида евроҳудуд мамлакатларининг давлат қарзлари даражаси деярли 30%га ошди – 2007 йилдаги жами ЯИМнинг 64,9%идан 2017 йилдаги жами ЯИМнинг 91,9%ига қадар. Айни пайтда ҳамжамият жанубий мамлакатларининг қарздорлик даражаси аҳоли жон бошига қиёслаганда шимолий мамлакатларникидан бир неча баробар юқоридир.

WESTERN UNION 2018 ЙИЛДА БИР ЙИЛ ОЛДИНГИ ЗАРАРГА НИСБАТАН 852 МЛН ДОЛЛАРЛИК ФОЙДА КЎРДИ

Бутун дунё бўйлаб тўлов хизматларини кўрсатувчи Western Union Company Америка компаниясининг 2018 йил якунлари бўйича соф фойдаси ўтган йилдаги 557,1 млн. АҚШ долларилик зарар ўрнига 851,9 млн. АҚШ доллари миқдоридаги фойдани ташкил этди, дея хабар берилади компаниянинг ҳисоботида.

Компания бир акциясининг тақсимланган фойдаси 2017 йил якунларидаги 1,19 АҚШ долларилик зарар ўрнига 1,87 АҚШ доллари миқдоридаги фойдани ташкил этди. Йиллик қийматда тушуми 1%га, яъни 5,589 млрд. АҚШ долларигача кўтарилди.

IV чорак якунларига кўра, компания 2017 йилдаги 1,12 млрд. АҚШ долларилик зарар ўрнига 212,1 млн. АҚШ долларилик фойдани қайд этди. Бир акцияга тақсимланган фойдаси 2017 йилдаги 2,44 АҚШ доллари ўрнига 0,48 АҚШ доллари миқдоридаги фойдани ташкил қилди. «Western Union»нинг чораклик тушуми бу ўринда 3%га, яъни 1,401 млрд. АҚШ долларигача тушди.

Шу ўринда фикрларини MarketWatch агентлигига асосланиб келтираётган таҳлилчилар йилнинг охирги чораги учун тузатилган фойдани бир қоғозга 49 цент, тушумни эса – 1,44 млрд. АҚШ доллари бўлади, деб кутишаётган эди.

2019 йил якунлари бўйича компания бир акция учун 1,83–1,95 АҚШ доллари қийматидаги фойдани кўзлаётир.

Хориж матбуоти материаллари асосида тайёрланди.

Илмий-амалий ойлик журнал

БПК

БОЗОР, ПУЛ ВА КРЕДИТ

Ҳурматли мушторийлар!

Нашримизга 2019 йил учун обуна давом этмоқда. Агарда Сиз улгурмаган бўлсангиз 9 ойлик обунани расмийлаштириш имкониятига эгасиз.

Бунинг учун Сизда обуна бўлишнинг қуйидаги бир қанча турлари мавжуд

1. Таҳририят www.bpk.uz сайтининг «Обуна» рукнидан шартномани юклаб олинг ва тўғридан-тўғри обунани расмийлаштириб, вақтингиз ва маблағингизни тежанг.
2. «O‘zbekiston pochtasi» АЖнинг «Matbuot tarqatish» филиали барча бўлинмалари орқали.
3. «MATBUOT TARQATUVCHI» АКнинг барча бўлинмалари орқали.
4. Шунингдек, фақатгина таҳририят томонидан тавсия этилган, Тошкент шаҳрида ва вилоятларда фаолият юритаётган ҳамда таҳририят билан шартнома имзолаган бир қанча обуна ташкилотлари орқали расмийлаштиришингиз мумкин. Ушбу ташкилотлар орқали обуна расмийлаштирилса, таҳририят журнални ўз вақтида етказишни кафолатлайди:

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ:
«MATBUOT SERVIS» МЧЖ – 71-244-19-64;
«LIDER PRESS» МЧЖ – 71-244-33-63.
АНДИЖОН ВИЛОЯТИ:
«SAYYOR 2017» МЧЖ – 91-112-01-00;
«MATBUOT YETKAZUVCHI» МЧЖ – 97-771-92-24;
«LIDER PRESS» МЧЖ – 71-244-33-63.
БУХОРО ВИЛОЯТИ:
«MATBUOT SERVIS» МЧЖ – 71-244-19-64;
«LIDER PRESS» МЧЖ – 71-244-33-63.
ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ:
«MATBUOT TONGI» МЧЖ – 91-599-58-98;
«LIDER PRESS» МЧЖ – 71-244-33-63.
ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ:
«MATBUOT YETKAZUVCHI» МЧЖ – 97-771-92-24;
«LIDER PRESS» МЧЖ – 71-244-33-63.
НАВОИЙ ВИЛОЯТИ:
«MATBUOT TARQATUVCHI» МЧЖ – 97-797-37-73;
«LIDER PRESS» МЧЖ – 71-244-33-63.
НАМАНГАН ВИЛОЯТИ:
«SAYYOR 2017» МЧЖ – 91-112-01-00;
«LIDER PRESS» МЧЖ – 71-244-33-63.
САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ:
«MATBUOT UYUSHMASI» МЧЖ – 66-234-03-96;
«LIDER PRESS» МЧЖ – 71-244-33-63.
СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ:
«MATBUOTCHI» МЧЖ – 91-621-95-91;
«LIDER PRESS» МЧЖ – 71-244-33-63.
СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ:
«MATBUOT YETKAZUVCHI» МЧЖ – 97-771-92-24;
«SURXON MATBUOT NASHRLARI» МЧЖ – 91-586-70-00;
«LIDER PRESS» МЧЖ – 71-244-33-63.
ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ:
«SAYYOR 2017» МЧЖ – 91-112-01-00;
«FARG'ONA MATBUOT POCHTASI» МЧЖ – 90-583-08-80;
«MATBUOT SERVIS» МЧЖ – 71-244-19-64;
«LIDER PRESS» МЧЖ – 71-244-33-63.
ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ:
«MATBUOT SERVIS» МЧЖ – 71-244-19-64;
«LIDER PRESS» МЧЖ – 71-244-33-63.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲРИ:
«KALEON INFORM» МЧЖ – 71-267-33-01;
«MATBUOT SERVIS» МЧЖ – 71-244-19-64;
«INFORM POCHTA» МЧЖ – 71-237-08-70;
«MATBUOT TEZKOR POCHTASI» МЧЖ – 71-233-56-86;
«MATBUOT YETKAZUVCHI» МЧЖ – 97-771-92-24;
«DAVRIY ZIYO NASHRLAR» МЧЖ – 97-707-21-15;
«TOSHKENT MATBUOT TARQATUVCHI MEDIA» МЧЖ – 97-737-30-57
«SHAGAY PRESS SERVIS» МЧЖ – 95-177-72-06;
«EXPRESS CONTACT» МЧЖ – 93-555-51-13.
«LIDER PRESS» МЧЖ – 71-244-33-63

Обуна индекси: 853

Сизни қизиқтирган барча саволларга таҳририятнинг қуйидаги телефон рақамлари орқали батафсил маълумот олишингиз мумкин:

+998-71-291-60-20;
+998-71-291-88-70 (факс)

«Бозор, пул ва кредит» журнали Сиз учун энг янги, энг фойдали ва энг қизиқарли маълумотларни тақдим этади!

Хизматлар лицензияланган

KAPITALBANK
ОБЪЕДИНЯЯ ЦЕЛИ, МЫ ДОСТИГАЕМ УСПЕХА

Новый Online банк Kapitalbank

24

GET IT ON Google Play

Download on the App Store

www.kapitalbank.uz

71 200 15 15

Услуги лицензированы

Ўзб. 42682с

SAVDOGAR BANK

Чет эл капитали иштирокидаги «Савдогар» акциядорлик тижорат банки Сизларга даромадингизни ошириш мақсадида қуйидаги миллий валютадаги омонат турларини таклиф этади:

«Кафолатли даромад» – 19-20%,

25 ой муддатга,

минимал миқдор – 1 млн. сўм;

Даромад плюс – 20%,

380 кун муддатга,

минимал миқдор – 1 млн. сўм.

Сиз азизларни ўзаро манфаатли ҳамкорликка чорлаймиз!

Манзилимиз: Тошкент ш., Саид Барака кўчаси, 78-уй. Телефонлар: 71-215-50-29, 71-254-18-65

www.savdogarbank.uz info@savdogarbank.uz

Хизматлар лицензияланган